

«ҲАЁТ ЛАБОРАТОРИЯСИ» ПОЙТАХТГА ЯНГИ ҲАЁТ БАҲШ ЭТА ОЛАДИМИ?

8

ҚОҒОЗЛАРДА «ЭКИЛГАН» ДАРАХТЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН КЎКАРМАЙДИ

9

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 29 ОКТАБРЬ 2022 ЙИЛ | №43 (2077)

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar



**МАҲАЛЛА ҲАЁТИГА
ДАХЛДОР БЎЛСАНГИЗ,
«ОЧИҚ БЮДЖЕТ»
ОРҚАЛИ ОВОЗ БЕРИНГ!**

5-саҳифада.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

**НОГИРОНЛИҚ ПЕНСИЯСИ
300 МИНГ СЎМГА ОШАДИ**



2023 йилда 75 минг нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсияларига ўртача 300 минг сўм қўшилади. Келгусида меҳнат фаолиятини олиб борганларнинг пенсияси ҳар икки йилда бир мартаба қайта ҳисоблаб борилади

7

ТАҲЛИЛ

**ҲАР КУНИ 231 ТОННА СУВ
ШУНЧАКИ ИСРОФ БЎЛЯПТИ**




ҲАР БИР КАТТА МУАММО КИЧИКЛИГИДАН БАРТАРАФ ЭТИЛСА, ЧОРА КЎРИЛСА УНИ ЕНГИШ, ЕЧИМ ТОПИШ ОСОНРОҚ БЎЛАДИ. АГАР ОРОЛ МУАММОСИГА ВАКТИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНИДА БУГУН ДЕНГИЗ ҚУРИМАГАН, МАЪЛУМ БИР ҚИСМИ САҚЛАБ ҚОЛИНГАН БЎЛАРДИ

13

ВАЗИЯТ

**«ЭЛЕКТРОН ЧАНГАК»КА ЯНА
ҚАНЧА ҚУРБОНЛАР ИЛИНАДИ?**



ИЛГАРИЛАРИ ФАРЗАНДЛАРНИ ҚИМОРБОЗЛАР, «ЁМОН ОТЛИҚ» ИНСОНЛАР ВА ЖОЙЛАРДАН УЗОҚРОҚДА САҚЛАШ БИЛАН МАЗКУР ИЛЛАТ ДОМИГА ТУШИШДАН АСРАШ МУМКИН БЎЛСА, ҲОЗИРДА «КИМОРХОНА» ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ҚЎЛИДА, ЧЎНТАГИДА, БОЛАЛАР ХОНАЛАРИДА ҲАМ ТУРИБДИ

14

КУН НАФАСИ

Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йўналишда ҳар бир маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун келгуси йилдан «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилиши айтилди. Унга кўра, ҳар бир вилоятнинг биттадан туманида тажриба тариқасида аҳолининг мол-мулк ва ер солиғини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади.

«Маҳалла бюджети» тизими қандай йўлга қўйилади?



Пойтахтимиздаги «Wyndham Tashkent» меҳмонхонасида «Ўзбекистонда «Маҳалла бюджети» тизимини жорий қилишнинг аҳамияти: муаммо ва таклифлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбир Ханнс Зайдел жамғармасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Айтиш керакки, Президентнинг 2022 йил 16 августдаги «Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори орқали Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва молиялаштириш йўналишлари белгилаб берилди.

Қолаверса жорий йилнинг 11 октябр куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йўналишида ҳар бир маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун келгуси йилдан «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилиши айтилди. Унга кўра, келгуси йил 1 январдан бошлаб, ҳар бир вилоятнинг биттадан туманида тажриба тариқасида аҳолининг мол-мулк ва ер солиғини ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади. Бунда ундирилган мол-мулк ва ер солиғи маҳалла бюджетига қолиши, ҳар йили 1 февралга қадар ҳокимлар маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчилари билан бирга, маҳалла бюджети ҳисобидан ҳал қилинадиган лойиҳалар рўйхатини туман Кенгашларига тасдиқлаш учун киритиши, келгуси йил якунида ушбу тажриба барча ҳудудларда жорий қилиниши белгиланди.

Давра суҳбатида айтилган жиҳатлар қайд этилиб, Ўзбекистонда Германия тажрибасини ўрганган ҳолда, мавжуд 9 370 та маҳаллада ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мустақил бартараф этишда янги тизимнинг аҳамияти, кутилаётган натижалар ҳамда назорат механизми бўйича фикр алмашилди. Бунда тегишли вазирлик ва идораларнинг айтилган соҳага масъул ходимлари иштирокида муҳокама ўтказиш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Қолаверса, тадбирда маҳалла тизимининг бошқа муаммолари ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳуқуқий мақоми, йиғин ходимларининг бўйсинув шакли, «Маҳалла бюджети» тизимини жорий қилишдан кейин ўз ечимини кутаётган айрим масалалар ҳақида сўз юритилди.

Қизгин, мунозараларга бой тарзда ўтказилган давра суҳбатида соҳа эгалари томонидан маъруза ва тақдимотлар қилинди. Томонлар ўзларининг қизиқтирган барча саволларига жавоб олишди.

Самарқанд шаҳридаги «Буюк ипак йўли» халқаро туризм марказида «Бир нуруний — ўн нафар ёшга масъул» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.



Чори бобо тажрибаси асқатяпти

Тадбирда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари С.Турдиев ҳамда вилоят ҳокими Э.Турдимов нурунийларнинг доно сўзи, ибратли ҳаёти ёшларнинг тарбияли, одоб-ахлоқли, илм олишга интилувчан бўлишида катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Кўрик-танлов қатнашчиларига омад тилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:
давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 19 январдаги «Ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, катта ҳаётий тажриба, билим ва обрўга эга бўлган 16 224 нафар фаол нурунийга иш билан банд бўлмаган, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож 150 минг нафардан ортиқ муаммоли ёшлар бириктирилган.

Танловда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган нурунийлар ўз ҳудудида «Бир нуруний — ўн нафар ёшга масъул» лойиҳаси асосида амалга оширган ишларини намойиш этди. Иштирокчилар ўзига бириктирилган, тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож бўлган ёшлар билан амалга оширган ишлари, уларнинг муаммоларига ечим топиши, ажрим ёқасида турган оилаларни яраштириш бўйича чора-тадбирлари ҳақида маълумот берди.

Танловда Сурхондарё вилояти вакили — 85 ёшли нуруний Чори Жумаев биринчи ўринни қўлга киритди.

Иккинчи ўрин Самарқанд вилояти вакили Солижон Худоёров ҳамда учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикасидан Нурмухаммад Тиломурадовга насиб этди.

Биринчи ўрин соҳиби 27 миллион сўм, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлар 18 миллион сўм ва 9

миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Бошқа иштирокчилар ҳам турли номинациялар бўйича тақдирланди.

— 65 йилдан буён ёшлар билан ишлайман, — дейди Чори Жумаев. — Бу кўрик-танлов бой тажрибамизни амалиётда қўллаш имконини берди. Термиз шаҳридаги 37 маҳалланинг барчасида фаолият олиб бораёلمиз. Ҳозир уюшмаган ёшларга иш топишда кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш учун имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашаётганимиз яхши натижа берапти. Тарбияси оғир ёшларни турли ёмон одатлардан асраш мақсадида маҳаллаларда таъсирчан тарғибот тадбирлари олиб бораёلمиз.

Танлов ташкилотчиларининг таъкидлашича, биринчи марта ўтказилган кўрик-танловнинг ижобий тажрибалари барча ҳудудларда амалиётда қўлланилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Шўртепа»да «бешлик»ка тавсиялар берилди

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, «Нуруний» жамғармаси Республика бошқаруви раиси Содиқжон Турдиев Навоий вилояти Конимех туманидаги «Шўртепа» маҳалласига ташриф буюрди.



Дастлаб маҳалла биноси марказида бўлиб, у ерда фаолият олиб бораётган ходимлар билан суҳбат қилди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари эшитилди. Маҳалла тизимини такомиллаштиришда «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла» тамойили асосида фаолиятини давом эттириши бўйича тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, маҳаллада ишни тўғри ташкил этиш, «бешлик» фаолиятига баҳо бериш, бунда, айниқса, маҳалла раислари Президент

фармони асосида йўлга қўйилган тизим — ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспекторларини ҳудуддаги биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни бартараф этишга йўналтириш, уларнинг фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимдан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича белгиланган меъёрлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Саҳифани Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

БУНЁДКОРЛИК

Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари, ОАВ ва бошқа жамоат ташкилотлари Дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, сифати ва кўлами юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга жалб қилинади.

Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ҳудудий ишчи гуруҳлари томонидан юртимиздаги 9 370 та маҳаллада аҳолининг кундалик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатаётган энг долзарб муаммолар ўрганилди. Бунда қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг оғриқли масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа ижтимоий объектларни яхшилаш бўйича таклифлар йиғилди ҳамда тегишли дастурлар ишлаб чиқилди.



Дастур доирасидаги ишлар жамоатчилик назоратида бўлади

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ, ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛАРИ ВА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ДАСТУРЛАР ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ ҲОЛАТИ, СИФАТИ ВА КЎЛАМИ ЮЗАСИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ

Шу асосда 2022 йил 25 октябрда «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилиниб, одамлар учун муносиб турмуш шароитини яратишга оид муҳим вазифалар белгиланди.

Қарорга кўра, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектлари яхшиланади. Бунинг учун ҳужжат асосида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг йиғма параметрлари, дастурлар ижросини мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи ҳамда ҳудудий ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланди.

ЖАМҒАРМАЛАРГА 2,7 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛАДИ

Ҳужжатга асосан, ҳокимликлар, Автомобиль йўллари кўмитаси, «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ, «Узсувтаъминот» АЖ ва бошқа буюртмачи ташкилотлар 2022 йил 15 ноябрга қадар Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» жамғармалари орқали молиялаштирилади. 15 ноябрга қадар Молия вазирлиги жамғармаларга жами 1,7 триллион сўм ўтказиб беради. Шунингдек, келгусида, эҳтиёжга қараб, қўшимча 1 триллион сўм ажратилишини назарда тутилди.

МУҲИМ ЖИҲАТ:

2022 йилда ажратилиб, йил якунига қадар ўзлаштирилмасдан қолган маблағлар Давлат бюджетига қайтарилмайди ва ушбу маблағлар 2023 йилда Дастурларда назарда тутилган объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлашга йўналтирилади.

Дастурларни амалга ошириш доирасида бош лойиҳа танлов (тендер) орқали, бош пудратчи «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали ҳамда объектларни сақловчи ташкилотлар танлов (тендер) асосида аниқланади. Бош лойиҳа ва бош пудратчи ташкилотларга истисно тариқасида 30 фоиз миқдорда олдиндан тўлов (аванс) амалга оширишга рухсат бериллади.

МАҲАЛЛА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ЎРНАТАДИ

Қарор билан белгиландики, туман

(шаҳар) секторлари ва бошқа ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига Дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб боради.

МУҲИМ ЖИҲАТ:

Дастурларга киритилган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича Давлат қабул комиссияси таркибига маҳалла раислари киритилади ҳамда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳажми ва сифати бўйича жамоатчилик назоратини олиб боради.

Ҳудудий ишчи гуруҳлари икки ҳафта муддатда маҳаллалар кесимида алоҳида режа-жадвалларни тасдиқлаб, ишлар ўз вақтида ва самарали ташкил этилишини назоратга олади, аҳолига бу бўйича тушунтириш ишларини олиб боради.

Хуллас, Президент қарори кўлами ва аҳамияти жиҳатидан маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга оид энг муҳим ҳужжатлар сирасига кириди. Эътиборлиси, унда белгиланган режалар айнан аҳоли томонидан билдирилган таклифлар, муаммолар ва камчиликлар асосида тузилган. Дастурлар қайсидир раҳбарларнинг кабинетларида ишлаб чиқилмаган, бевосита одамлар фикри асосида, улар билан мулоқот қилиш асосида яратилди. Бундан эса давлат ҳам, оқддий одамлар ҳам манфаатдор бўлиши тайин.

Аҳолининг фикрларини тизимли ўрганиб, Республика ишчи гуруҳига таклифлар киритади.

Ишларнинг бориши қатъий назорат қилинади. Жумладан, тегишли ташкилотлар давлат архитектура-қурилиш назорати, давлат молиявий назоратини амалга оширади. Бош прокуратура Дастурларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши (хусусан, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиши, маблағларнинг мақсадли сарфланиши, ишларнинг сифатли бажарилиши, харид қилиш тартиб-таомилларининг қонуний бориши) устидан тизимли назорат ўрнатади.

Маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари, ОАВ ва бошқа жамоат ташкилотлари Дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, сифати ва кўлами юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга жалб қилинади.

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Биз эккан дарахтлар қуриб қолмайди»

Хатирчи туманида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида барча корхона ва ташкилотлар, давлат ва жамоат ташкилотлари кўчат экишда фаол қатнашмоқда.

«Дамариқ» маҳалласи ҳудудидаги 4 гектар майдонда лойиҳа доирасида куз ойларида экиладиган кўчатлар ўтқазилиб, дастур иштирокчилари учун семинар ташкил этилди. Унда тажрибали боғбонлар, ўсимликшунослар, агрономлар туман фаоллари ҳамда ҳудудларга бириктирилган мутасадди ходимларга дарахтларни парваришлаш тўғрисида батафсил маълумот

берди. — Қайсидир ҳудудларда «Яшил макон» лойиҳаси доирасида экилган дарахтларнинг қаровсиз қолаётгани, қуриб сарфланган маблағлар зое кетаётгани тўғрисида эшитиб қоламиз, — дейди тажрибали боғбон Шукур Холматов. — Менимча, бу аҳолининг эътиборсизлиги, экологик маданиятнинг етишмаслиги ва шунчаки боғ-

роғларга меҳр қўймаганидан бўлса керак. Зеро, маҳалласида, кўчасида экилган дарахтга бир челақ сув қуйиб қўйиш учун катта агроном ёки масъул шахс бўлиш шарт эмас. Шунчаки фидойи бўлиш лозим. Аминманки, биз эккан кўчатлар қуримайди. Зеро, аҳоли бу саъй-ҳаракатлар ўзимиз, фарзандларимиз келажаги, юртимизни боғи-роққа айлантириш учун эканини яхши

ҳис этиб турибди. Масъулиятни тушунишмоқда.

Семинарда вилоят раҳбари Н.Турсунов, вилоят ИИБ, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбир доирасида жами 2 825 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

Маҳмуд Пардаев Ангрен шаҳрининг «Ёшлик» маҳалласида истиқомат қилади. Ногирон фарзанди бор. Шу йил февраль ойида отахоннинг уйида ёнгин содир бўлиб, бошпанасидан ажралиб қолади. Қўли калталиги туфайли ҳеч илож қилолмагач, Халқ қабулхонасига мурожаат этишга мажбур бўлади.

Қиш олди аҳолини қандай муаммолар қийнапти?

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида Халқ қабулхоналари Ангрен шаҳрида ташкил қилган навбатдаги оммавий қабул кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумига тайёрлаш, иссиқлик, сув, табиий газ, электр энергиясига оид масалаларни ҳал қилишга қаратилди. Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари ва Оҳангарон тумани аҳолиси вакиллари билан кечган очик мулоқотларда коммунал хизмат кўрсатиш, энергетика, ободонлаштириш соҳаларига масъул вазирилик ва идоралар, ҳокимликлар вакиллари кўтарилган масалаларга жойида ечим топишга ҳаракат қилди.



215 ТА МУРОЖААТНИНГ 41 ТАСИ ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛИНДИ, 23 ТАСИ ЮЗАСИДАН ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ ВА ТУШУНТИРИШ БЕРИЛДИ, КЎШИМЧА ЎРГАНИШ, ВАҚТ ВА МАБЛАҒ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН 151 ТА МУРОЖААТ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Оҳангаронлик Абдурасул Чўлпонов ўзи истиқомат қилаётган «Четсув» маҳалласида янги мактаб қурилгани, аммо шу пайтгача электр тармоғига уланмагани, бунинг оқибатида дарс жараёнларида ноқулайлик келтириб чиқараётгани юзасидан қилган мурожаати жойига чиқиб ўрганилди ва мактаб шу куннинг ўзида тармоққа уланди.

Ангренлик Шаҳноза Наврўзова Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик мутасаддилари билан суҳбатда ўзи яшаётган уйнинг канализация қувурлари носоз ҳолга келиб қолгани боис чиқинди сув хонадон ичига сизиб чиқаётгани юзасидан мурожаат қилди. Бу масалани шу куннинг ўзида бартараф этиш юзасидан зарур амалий чора-тадбирлар белгиланиб, тармоқда зарур тозалаш ва таъмирлаш ишлари

бажарилди.

Оҳангарон шаҳри «Ватан» маҳалласидаги кўп қаватли 21-уйда истиқомат қилувчи фуқаролар уй томи таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани, ёнгин-сочинли кунларда чакки ўтаётганини айтиб, мурожаат қилди. Мурожаат жойига чиқиб ўрганилиб, томда тўлиқ таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Мурожаатлар асосида мазкур маҳалладаги 24- ва 25-уйлар йўлакларига ёритиш чиқроқлари ўрнатиб берилди.

Оҳангароннинг «Янгиобод» маҳалласи аҳли электр таъминотида тез-тез узилишлар бўлиши, мавжуд трансформатор қуввати эҳтиёжни таъминлаш учун етмаётгани юзасидан бир неча кун аввал мурожаат қилган эди. Муаммо маҳалланинг ўзига чиқиб ўрганилди ва керакли чоралар белгилангач,

эски трансформатор ўрнига янги юқори кучланишли ўрнатилди. Натижада маҳалладаги 200 га яқин хонадон ҳамда боғча ва мактабда электр таъминоти яхшиланади.

Оҳангарон шаҳрининг «Гулистон» маҳалласидан келган фуқаролар ички йўллар таъмири билан боғлиқ масалани айтиб, масъулларга юзланди. Ўрганишлар натижасида ички йўлнинг салкам 1 километр қисмини бетонлаштиришга тайёрлаш ишларига киришилди.

Оммавий қабул доирасида аввалги мулоқотлар давомида келиб тушган мурожаатларни ҳал этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратилди. Ангрен шаҳридаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ариза ва шикоятларидан кейин 152 та уйнинг том қисми жорий ва

мукамал таъмирланди, 129 та уй ертўласидаги муҳандислик ва коммуникация тармоқлари таъмирдан чиқарилди.

«Дорилфунун» маҳалласидаги 16- ва 26-уйларнинг томи, ертўладаги қувурлар таъмирланди. Маҳалладаги газ тақсимлаш пунктлари назоратдан ўтказилиб, соз ҳолга келтириб қўйилди. «Боботоғ» маҳалласидаги юқори кучланишли трансформатор таъмирланди. Бу билан 300 та хонадонга тўлиқ қувватда электр энергияси узатиш имкони яратилди.

Маҳмуд Пардаев Ангрен шаҳрининг «Ёшлик» маҳалласида истиқомат қилади. Ногирон фарзанди бор. Шу йил февраль ойида отахоннинг уйида ёнгин содир бўлиб, бошпанасидан ажралиб қолади. Қўли калталиги туфайли ҳеч илож қилолмагач, Халқ қабулхонасига

мурожаат этишга мажбур бўлади. Шундан кейин шаҳар ҳокимлиги мадад қўлини чўзиб, ички имкониятлар ҳисобидан уйи таъмирлаб берилди. Отахон давлатимизнинг инсонпарвар сиёсатидан мамнун эканини айтади.

Қабул доирасида маҳаллалардаги хонадонлар дудбўронларини тозалаш, алоҳида эътиборга муҳтож оилаларга бепул кўмир етказиб бериш ишлари бажарилди.

Умуман олганда, оммавий қабул жараёнида кўриб чиқилган 215 та мурожаатнинг 41 таси жойида ҳал қилинди, 23 таси юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди, қўшимча ўрганиш, вақт ва маблағ талаб қиладиган 151 та мурожаат назоратга олинди.

Мансур АБДУСАТТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Раис ташаббуси билан тиббий кўрик ўтказилди

Бугун вилоятимизнинг олис ва чекка ҳудудлари тобора обод ва кўркам манзилга айланиб борапти. Президентимизнинг «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида Учқўрғон туманидаги барча фуқаролар йиғинларида бунёдкорлик ишлари қизғин паллага кирган. Бундан ташқари, «маҳаллабай» ва «хонадонбай» тарзда иш ташкил этилиб, муаммоларга ечим топилмоқда.

Шу кунларда Учқўрғон тумани электр таъминоти корхонаси ишчи ходимлари томонидан аҳолини узлуксиз ва барқарор электр энергияси билан таъминлаш, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш мақсадида «Деҳқонобод» маҳалласи ҳудудида жойлашган Исломобод, Қўшқўприк ҳамда Жомий кўчаларида янги ҳаво тармоғини қуриш учун 117 донга темир-бетон таянчлари олиб келиниб,

ўрнатиш ишлари якунланди. Ушбу кўчаларда 3,6 км. узунликдаги паст кучланишли ва 0,6 км. узунликдаги юқори кучланишли ҳаво тармоғи қуриш ишлари режалаштирилган.

Шунингдек, қиш-куз мавсумига тайёргарлик доирасида Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда Фавқулодда вазиятлар бўлими ҳамкор ташкилотлар билан маҳаллаларда ўрганишлар олиб бормоқда.

Жумладан, «Маданият» маҳалласида секторларга бўлиниб, йўриқнома асосида маҳалла бинолари, ижтимоий объектлар, аҳоли яшаш хонадонлари, кўп қаватли уйлар хатловдан ўтказилди.

Қолаверса, туман маҳаллаларида аҳолига кўрсатилмаётган тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Олис ҳудудлардан бири ҳисобланган «Пахтачи» маҳалласи раиси ташаббуси билан туман

тиббиёт бирлашмасининг чуқурлаштирилган тиббий кўриги бўлиб ўтди. Маҳалладаги 40 ёшдан юқори бўлган 70 нафар аҳоли скрининг текширувларидан ўтказилди. Унда туманнинг барча бирламчи тизим муассасаларидан 1 нафар оила шифокори ва 1 нафар доя патронажлари қатнашди.

Муҳиддин МАҲҚАМОВ, Учқўрғон тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МОҲИЯТ

Ўтган давр мобайнида «Ташаббусли бюджет» жараёнлари доирасида фуқаролар томонидан энг кўп илгари сурилган муаммо — йўл инфратузилмаси билан боғлиқлиги инobatга олиниб, келгуси йилдан «Менинг йўлим» лойиҳаси учун ажратиладиган маблағлар икки баравардан ортиқ оширилди. Бунинг учун 640 млрд. сўм ажратилади.

Жорий йилнинг 11 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида икки мингдан ортиқ аҳоли овозини тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган лойиҳалар учун қўшимча маблағ ажратилиши, қолаверса, 200 дан ортиқ аҳоли қўллаб-қувватлаган маҳалла шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникаларни жиҳозлашга келгуси йилда қўшимча 200 миллиард сўм берилиши айтилганди.



Маҳалла ҳаётига дахлдор бўлсангиз, «Очиқ бюджет» орқали овоз беринг!

«ОЧИҚ БЮДЖЕТ»ДА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БИРИНЧИ МАВСУМ — ҲАР ЙИЛИ ФЕВРАЛЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА, ИККИНЧИ МАВСУМ — ҲАР ЙИЛИ ИЮНЬ-ИЮЛЬ ОЙЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Жорий йилнинг 25 октябрь куни қабул қилинган «Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Президент қарори билан «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида ҳар бири икки мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 364 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча 335 млрд. сўм маблағ ажратилди.

маблағлар миқдори **1,3 трлн. сўм**ни ташкил этиб, ғолиб деб топилган лойиҳалар сони **1 782 тани**, ғолиб бўлган маҳаллалар сони **1 563 тани** ташкил этди.

ҲАР БИР ТУМАНГА 6 МЛРД. СЎМДАН АЖРАТИЛАДИ
Эндиликда лойиҳалар «маҳаллабай» шаклда шакллантирилади. Қарорга кўра, 2023 йилдан бошлаб, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида молиялаштириладиганadbирлар жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади. Бунда аҳоли томонидан таклиф этилаётганadbирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилади.

кам бўлмаган маблағлар ажратилиши ҳисобига (бунда маблағлар туман-шаҳар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига мавжуд аҳоли ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда ажратилади) лойиҳа доирасидагиadbирлар учун **2 трлн. сўмдан** ортиқ маблағлар ажратилади. Бунинг натижасида **53 та** туман ва шаҳарга (тасдиқланадиган бюджетлари миқдори кам бўлишига қарамай) **6 млрд. сўмдан** маблағ йўналтирилади. Мисол учун, **Ғазғон шаҳрига 2022 йилда 900 млн. сўм маблағ ажратилган бўлса, 2023 йилдан бошлаб мазкур ҳудудга 6 млрд. сўм маблағ йўналтирилади.**

молиялаштиришга йўналтирилади. Натижада тегишинча туман ва шаҳарларга қўшимча равишда **1 трлн. сўмдан ортиқ** маблағлар ажратилади.

Умуман олганда, юқоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, 2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланганadbирларни молиялаштиришга **8 трлн. сўм** маблағ йўналтирилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН: лойиҳанинг 2022 йил иккинчи мавсумида **1 418 та** лойиҳа ғолиб деб топилган ҳамда уларни амалга ошириш учун туман ва шаҳар бюджетли маблағлари ҳисобидан **1,0 трлн. сўм маблағ ажратилиши назарда тутилган.**

МУҲИМ ЖИҲАТ: лойиҳалар пакети учун ажратиладиган маблағлар чекланган миқдорини **8 миллиард сўм** этиб белгилаш, дастурларни молиялаштириш учун ҳар йили Давлат бюджетидан камида **4 триллион сўм** йўналтириш назарда тутилмоқда.

ОВОЗ БЕРИШ ҚАЧОН БЎЛАДИ?
Вилоят бюджетлари қўшимча манбаларининг **30 фоизи** эндиликда «Ташаббусли бюджет» жараёнига йўналтирилади. Жойларда фуқароларни қийнаб келаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш кўламини кенгайтириш мақсадида **2023 йилдан бошлаб**, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг қўшимча маблағларининг **30 фоизи** фуқаролар фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни

МАЪЛУМОТ УЧУН: амалда фақат туман ва шаҳар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида **30 фоизи «Ташаббусли бюджет» жараёнлари учун йўналтирилиши белгиланган.**

Шунингдек, ўтган давр мобайнида «Ташаббусли бюджет» жараёнлари доирасида фуқаролар томонидан энг кўп илгари сурилган муаммо — йўл инфратузилмаси билан боғлиқ экани инobatга олиниб, келгуси йилдан «Менинг йўлим» лойиҳаси учун ажратиладиган маблағлар икки баравардан ортиқ оширилди. Яъни бунинг учун **640 млрд. сўм** ажратилади.

МУҲИМ ЖИҲАТ: туман (шаҳар) бюджетлари доирасида жамоатчилик фикри асосида «Очиқ бюджет» ахборот портали орқалиadbирларни шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёнининг биринчи мавсуми — ҳар йили февраль-март ойларида, иккинчи мавсуми — ҳар йили июнь-июль ойларида, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида кейинги йил учунadbирларни шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёни — ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида ўтказилади.

Республика бюджетидан ажратилган қўшимча маблағлар доирасида фуқаролар томонидан илгари сурилган **110 та** мактабни, **16 та** мактабгача таълим муассасасини, **49 та** соғлиқни сақлаш ташкилотларини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш, **113 та** маҳаллада ички йўлларни таъмирлаш каби лойиҳалар қўшимча равишда молиялаштирилади. Натижада иккинчи мавсум учун ажратилган жами

«Ташаббусли бюджет» жараёни молиялаштириш кўлами ортади. Келгуси йилдан бошлаб, ҳар бир туман ва шаҳарга **6 млрд. сўмдан**

Юқоридаги қарордан маълум бўладигани, эндиликда маҳаллалардаги инфратузилма учун маблағлар фақатгина «Ташаббусли бюджет» орқали аҳоли истаган лойиҳаларга ажратилади. Бу орқали энди фақат ҳокимлик белгилаб берадиган маҳаллаларга эмас, шароити чиндан ҳам оғир ҳудудларга эътибор кучаяди. Бунда, албатта, аҳолининг ташаббускорлиги ортади, энди улар ўзлари биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга биргаликда ечим топади.

С. ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Йиғин идораларига қуёш панеллари ўрнатилмоқда

Президентимиз жорий йил июнь ойида ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланишни кенгайтириш борасидаги ташаббусларни илгари сурган эди. Жорий йил якунига қадар қатор ташкилотлар биноларида қуёш электр панеллари ва қуёш сув иситиш қурилмалари ўрнатилиши лозимлиги қайд этиб ўтилган.



Самарқанд вилоятининг Пайарик туманида мазкур топшириқларни бажариш ишлари жадал давом этмоқда. Туман Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ташаббуси билан кўплаб маҳалла идоралари шу каби замонавий воситалар билан таъминланмоқда. — Қайта тикланувчи энергия, жумладан, қуёш энергиясидан унумли фойдаланиш соҳанинг келажаги эканига шубҳа йўқ, — дейди

«Жувозхона» маҳалласи ёшлар етакчиси Элмурод Омонов. — Бу энергияни тежаш имконини яратиши билан аҳамиятли. Бугун идорамиз биносига қуёш панелларининг ўрнатилгани маҳалла тизими замон билан ҳамнафас ривожланаётганидан дарак. Бундан ташқари, ёшларимиз учун ҳам ўзига хос ўрнак. Шу кунларда тумандаги «Янгиобод», «Янги ҳаёт» маҳаллалари идораларига ҳам қуёш панеллари ўрнатилди.

ЖАРАЁН

Олий маълумотли, тажрибали раисларимиз орқали ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга кириб боришга, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишга ҳаракат қиляпмиз. Уйлайманки, бунга маълум маънода эришяпмиз. Зеро, маҳаллалардаги оддий одамлар бугун маҳалла фаолиятдан, у ерда меҳнат қилаётган фаоллар ишидан мамнун.



«Ҳақиқий баҳони оддий одамлар беради»

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида Оҳангарон шаҳри Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан маҳаллаларни обод қилиш, йиғинлар инфратузилмасини яхшилаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, нуронийларга кўмак кўрсатиш борасида хайрли ташаббуслар амалга оширилди.

Шаҳримиздаги мавжуд 21 та маҳаллада 4 233 нафар нуроний истиқомат қилади. Ўтган муддат ичида уларнинг ҳолидан хабар олиниб, ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди, сиҳатгоҳларга йўлланмалар тақдим этилди. «Бир нуроний — ўн нафар ёшга масъул» тамойили асосида шаҳардаги ишсиз, жиноятчиликка мойиллиги бор, вояга етмаганлар бўйича профилактик ҳисобда турувчи 105 нафар ёшга 22 нафар мураббий-нуроний бириктирилди. Натижада уларнинг 23 нафари касбга йўналтирилди, 19 нафари муқим иш жойига эга бўлди, ҳозирда яна 43 нафарини рўйхатдан чиқариш арафасидамиз. Маҳаллаларда ҳожи ота-оналар иштирокида нотинч оилалар билан мулоқотлар ўтказилиши натижасида ажралиш ёқасига келиб қолган 16 оила яраштирилди.

Маҳалла — маънавият ва маърифат ўчоғи. Шундай экан, бу тузилма ёшлар тарбияси учун ҳамisha масъул. Айтилган тамойилдан келиб чиқиб, 30 ёшгача бўлган 7 685 нафар (100 фоиз) ёшлар анкетаси асосида хатловдан ўтказилиб, «Ёшлар баланси» электрон платформасига киритилди. Ёшлар етакчилари тавсияси асосида «Ёшлар дафтари»га 249 нафар йигит-қиз киритилиб, бугунги кунга қадар уларнинг 163 нафарига 839 млн. 280 минг сўмлик амалий кўмак берилди. Шундан 67 нафарининг контракт-шартнома пуллари тўланди, 16 нафарига оилавий шароити ҳисобга олиниб, 1 млн. 80 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, 62 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 449 млн. 908 минг сўм маблағ ажратилиб, керакли асбоб-ускуналар олиб берилди.

«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини кенг татбиқ этиш ишлари доимий эътиборимизда. Бу ҳақда сўз кетганда, мавжуд 21 та маҳалланинг 15 таси ўз биноларига

эга, 3 та маҳалла («Бахт», «Хонобод», «Навбахор») биносининг кадастр ҳужжатлари мавжуд. Ўтган йили 11 та («Бирлик», «Ватан», «Дўстлик», «Илоқ», «Нўғайқўрғон», «Орзу», «Шодлик», «Янгилик», «Янгиобод», «Қўрғон» ва Охунбобоев номли) маҳалла биноси давлат-хусусий шериклик асосида куриб берилди. Ҳозирда 6 та маҳалла биноси мавжуд эмас, 1 та йиғин биносини қайта куриш лозим. Қолаверса, 2022 йилда «Обод маҳалла» дастурига киритилган «Қўрғон» ва «Ёшлик» маҳаллалари ички йўлларини таъмирлаш, ичимлик сув қувурлари ётқизиш, трансформатор, симёғочлар ўрнатиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доирасида тегишли Давлат дастурлари асосида «Онлайн маҳалла» платформаси орқали жами қиймати 305 млн. сўм бўлган 12 та лойиҳа молиялаштирилди. Натижада тикувчилик, чорвачилик, иссиқхона йўналишида 15 та янги иш ўринлари яратилди.

Хуллас, ҳудудда аҳоли эҳтиёжларини қондириш, одамларга муносиб турмуш тарзини яратиш, шу орқали уларнинг розилигига эришиш асносидаги ишлар бир дақиқа бўлса-да, тўхтагани йўқ. Айниқса, бу йилги сайловларда сайланган 21 нафар олий маълумотли, тажрибали раисларимиз орқали ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга кириб боришга, уларни қийнаётган масалаларга ечим топишга ҳаракат қиляпмиз. Уйлайманки, бунга қаратилган Президент табриги ва 15 млн. сўмдан пул мукофоти, эсдалик совғалари топширилди. Рамазон ҳайити кунлари 16 нафар нуронийга 500 минг сўмдан **бир марталик моддий ёрдам** кўрсатилди.

Шунингдек, 100 нафарга яқин нуронийлар турли **сиҳатгоҳларга** соғлиғини тиклаш ва дам олиш учун юборилди, 20 нафардан зиёд ногиронлиги бор кексаларга махсус аравачалар берилди. Қолаверса, 500

Кексалар тажрибасини ўрганганлар кам бўлмайди

Нуронийларнинг қимматли панду насиҳатлари, ҳаёт сабоқлари йигит-қизларнинг шижоати билан бирлашса, жамиятни ривожлантирувчи кучга айланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нуронийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир».



Бекобод шаҳридаги мавжуд 35 та маҳаллада нуронийлар тажрибаси, ҳаётий ўғитларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, йил аввалида режа тузилиб, шаҳардаги 19 та мактабнинг барчасида «Кексалар маърифати» дарслари ташкил этилди. Қолаверса, ўқувчилар таълим-тарбияси ва даволатини жамоатчилик асосида назорат қилиш учун «Кексалар маслаҳати» гуруҳларининг 54 нафар вакили мактабларга масъул этиб тайинланди. Шу билан бирга, «Бир нуроний — ўн нафар ёшга масъул» тамойили асосида 35 нафар фаол нуронийга маҳаллаларда яшовчи уюшмаган, тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож бўлган 350 нафар йигит-қиз бириктирилди. Бу тажрибалар қисқа бир суратда ўз натижасини бериб, ўғил-қизларимизнинг дарсларга қизиқиши, қатнашиши ортди, кексалар маслаҳати билан ҳаётда қийналган ёшлар тўғри йўлга ўтди, аксарияти ўқишга, ишга кириб, ўз бизнесини бошлади.

Эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож, яқка-ёғиз нуронийлар ҳам доимий эътиборимизда. Жумладан, Хотин-қизлар байрами арафасида 76 нафар ётиб қолган кекса онахонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳомийлар томонидан **озиқ-овқат маҳсулотлари** тарқатилди, ижтимоий ҳимояга муҳтож нуроний онахонларга 6 млн. 200 минг сўм миқдорида **пул мукофотлари** топширилди. Хотира ва Қадрлаш кунинда 3 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 16 нафар меҳнат fronti фахрийси, 63 нафар ёғиз кексалар **чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан** ўтказилди. Уруш қатнашчиларига Президент табриги ва 15 млн. сўмдан пул мукофоти, эсдалик совғалари топширилди. Рамазон ҳайити кунлари 16 нафар нуронийга 500 минг сўмдан **бир марталик моддий ёрдам** кўрсатилди.

Шунингдек, 100 нафарга яқин нуронийлар турли **сиҳатгоҳларга** соғлиғини тиклаш ва дам олиш учун юборилди, 20 нафардан зиёд ногиронлиги бор кексаларга махсус аравачалар берилди. Қолаверса, 500

нафардан зиёд ёши улўғ инсонлар юртимизнинг тарихий масканларига **саёҳатга** олиб борилди. Ўз навбатида, кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида барча маҳаллаларда «Бир нуроний — ўн нафар ёшга масъул» кўрик-танловлари ўтказилди.

«Кексалар ҳафталиги» доирасида ҳар бир маҳаллада «Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — халқимизга хос эзгу фазилат» деган ғоя остида маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилди. Жумладан, «Булоқ ариқ» маҳалласидаги «Саховат» уйида ташкил этилган шундай тадбирда икки авлод учрашуви ўтказилди. Унда Маданият бўлими санъаткорлари куй-қўшиқлар, жозибали рақслар билан йиғилганлар кўнглини шод этган бўлса, ҳарбий қисм аскарлари ўзларининг ҳарбий машғулотларини намойиш этдилар.

Қолаверса, маҳаллаларда 50 йил, 60 йил давомида биргаликда турмуш кечириб келаётган нуронийлар билан учрашувлар ташкил этиш анъанага айланди. Худди шундай, йиғинларда ўтказилаётган «**Уч авлод**» учрашувлари — тарих, бугун ва келажакни бирлаштирган анжуманлар кексаю ёшнинг хотира зарварақларида унутилмас из қолдирмоқда. Сабаби — жонли тарих билан сўзлашиш, уларни яқиндан таниш, биргаликда ҳамфикр бўлиш ёшлар учун катта тажриба ва ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади.


Умуман олганда, шаҳримиздаги барча нуронийлар кексалик бекорчилик эмас, балки энг масъулиятли давр эканини ҳис этган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларни халққа тўғри, халқона тушунтиришга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири ижтимоий фаоллик, фидойилик, ватанпарварлик борасида ёшларга намуна кўрсатапти.

Таваккал НИЁЗОВ,
Бекобод шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари.

ИЖТИМОЙИ ҲИМОЯ

Қонунга мувофиқ, ўғай ота ва ўғай онанинг вафот этган ўғай ўғилни (қизни) тарбиялагани ёки боққанини аниқлаш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларнинг пенсияларига устамаларни тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 26 октябрда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни имзолади. Қонун билан пенсия тайинлаш тизимига оид бир қатор муҳим қоидалар белгиланди. Хўш, улар нималардан иборат?



НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯСИ 300 МИНГ СЎМГА ОШАДИ

2023 ЙИЛДА 75 МИНГ НАФАР I ВА II ГУРУХ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ПЕНСИЯЛАРИГА ЎРТАЧА 300 МИНГ СЎМ ҚЎШИЛАДИ

КИМЛАРНИНГ ПЕНСИЯСИГА 300 МИНГ СЎМ ҚЎШИЛАДИ?

Бугунги кунда Ўзбекистонда 782 минг нафар ногиронлиги бўлган шахс пенсия ва нафақа олади (аҳолининг 2,4 фоизи). Шундан 376 минг нафари I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади. Бунда фуқаро пенсия ёшига етганда ёки боқувчисини йўқотганда, ногиронлик пенсиясини олишни давом эттириб, бошқа пенсия турига ўтмаса, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги иш вақти ногиронлик пенсиясига қўшиб қайта ҳисобланмайди. Бу эса, ўз навбатида, амалиётда турли хил ёндашувларни юзага келтираётганиди.

МАЪЛУМОТ УЧУН: жорий йилнинг ўзида ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдорлари икки маротаба, яъни 2022 йил 1 апрелдан 500 минг сўмдан 622 минг сўмга ва 2022 йил 1 майдан 698 минг сўмга етказилиб, йил бошига нисбатан 1,4 бараварига оширилди.

Янги қонунга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, фуқаронинг аризаси асосида иш вақти ва иш ҳақи инobatга олинган ҳолда, пенсия ҳар икки йилда бир маротаба қайта ҳисоблаб чиқилади. Бунда пенсияни қайта ҳисоблаш фуқаро пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш учун мурожаат қилган санадаги ёшга нисбатан талаб қилинган иш стажидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Натижада 2023 йилда (1994-2022 йилларда иш стажига эга бўлган) 75 минг нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган

шахсларнинг пенсияларига ўртача 300 минг сўм қўшилади. Келгусида меҳнат фаолиятини олиб борганларнинг (бугунги кунда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг 43 минг нафари расман банд) пенсияси ҳар икки йилда бир маротаба иш вақти ва ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, қайта ҳисоблаб борилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсияларини қайта ҳисоблаш улар томонидан яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига қилган мурожаатлари асосида амалга оширилади.

ҚИШЛОҚ ШИФОКОРЛАРИ 5 ЙИЛ ОЛДИН ПЕНСИЯГА ЧИҚАДИМИ?

Бундан ташқари, амалдаги қонуннинг 6 та моддасида белгиланган умумий тусдаги ҳар хил талқин қилиниши мумкин бўлган нормаларга аниқ белгилловчи нормалар киритилиб, маъмурий тартиб-таомиллар аниқлаштирилди.

Жумладан, ихтисослашган тиббий муассасаларнинг

шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари — махсус иш стажини ҳисоблаб қўшимча 25 йил бўлган тақдирда охириги иш жойидан қатъи назар, белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Амалдаги қонунда қишлоқ ва шаҳарлардаги ихтисослашган тиббий муассасаларда ишловчи шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлари кўзда тутилган бўлса-да, шаҳарча ва овулларда ишловчиларга қандай тартиб амал қилиши ёритилмаган эди.

Қонунга мувофиқ, ўғай ота ва ўғай онанинг вафот этган ўғай ўғилни (қизни) тарбиялагани ёки боққанини аниқлаш тартиби ҳамда

Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларнинг пенсияларига устамаларни тўлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Жумладан, ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар мамлакат олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизидан 150 фоизигача белгиланади.

МАЪЛУМОТ УЧУН: қонунда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун 2023 йилдан бошлаб қўшимча йиллик ўртача 275 млрд. сўм маблағ талаб этилади.

Хуллас, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар амалиётда мавжуд бўлган турли хил ёндашувларнинг олдини олади, коррупцияни келтириб чиқарувчи ҳолатларга барҳам беради, ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг даромадини оширишга хизмат қилади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Белтау обод масканга айланади



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тахтақўпир туманининг энг чекка Белтау овул фуқаролар йиғинида кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг февраль ойида Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида ушбу овулдаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, муаммоларни ҳал этиш, бандликни таъминлаш борасидаги таклифларини билдирди. Натижада овулнинг қиёфаси ўзгарди. Жумладан, туман марказидан 40 километр узоқликда жойлашган ҳудудда «Обод қишлоқ» дастури асосида қурилиш, таъмирлаш, кўчаларга кум-шағал аралашмаси ва қора қоплама ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Фуқаролар йиғини идораси, маданият маркази, шифокорлик пункти,

мактабгача таълим муассасаси капитал таъмирланди. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш яхшиланди. «Оржап» каналида пиёдалар кўприги қурилиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммо ечимини топди. Электр тармоқлари янгиланиб, трансформатор ўрнатилди. Тошкент шаҳридан келтирилган техникалар ёрдамида ўнга яқин ер ости сувлари учун қудуқ бурғилаш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса биринчи навбатда ижтимоий соҳа объектлари ва томорқа ерларини сув билан таъминлаш имконини беради.

Ҳудуддаги мана шундай ўзгариш ва янгиланишларни жамоатчилик таништириш ва

тажриба алмашиш мақсадида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Жўқорғи Кенгес депутатлари, маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари вакиллари амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. Хусусан, семинар иштирокчилари интенсив усулда балиқ етиштирувчи хўжалик фаолияти билан танишди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси А.Оринбаев маданият марказида овул аҳолиси билан учрашди. Шу куни никоҳдан ўтаётган ёшларга, мактаб жамоаси ва ўқувчиларга совғалар топширилди. Санъат усталари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

НИГОХ

Пойтахтнинг эски шаҳар худудидаги тарихий маҳаллалар тўғрисида жуда кўп саволлар бўлган. Албатта, бу ердагилар ҳам яшаш шароити қулай бўлишни хоҳлайди. Кимдир уйини алмаштиришни, кимдир янгилашни истайди. Шу боис бу масала одамларнинг ўзларига ҳавола этилади: яъни буни бозор иқтисодиёти белгилаб беради.

Тошкент шаҳрининг Бош режасини қабул қилиш ҳақидаги ваъдалару, лойиҳаларни бир неча мартаба эшитганмиз. Аниқроғи, 2018 йилдан буён бу масалада муҳокамалар тўхтамайди. Бироқ бугунгача бу режалар ижроси қайта ва қайта ортга суриб келинаверди. Бу вақт оралиғида эса пала-партиш қурилган, шаҳар инфратузилмасига кўшимча юклама, яшилликка киргизилган келтирилган бинолар, ёмғирдан кейинги қўзиқориндек, шаҳарни анча тўлдиришга улгурди. Канализацион тизимлар, энергия эҳтиёжлари қурилиш меъёрларига тўғри келадими-йўқми, улар бунёд этилаверди.

Таҳририятимиз бир неча бор айтилган масалага мурожаат қилди. Мақолаларимизга Қурилиш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар тегишли муносабатларини билдирди. Бироқ масала барибир очик қолаётганди. Жорий йилнинг 18 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси билан танишди. Давлат раҳбарига тақдим қилинган «Ҳаёт лабораторияси» номини олган лойиҳа кўпчиликда қизиқиш уйғотгани баробарида турли саволларни келтириб чиқарди: энди Тошкентда қурилишлар, «снос»лар бўлмайди? Маҳаллалар тақдири нима бўлади? Умуман, келажак Тошкент қандай бўлади?

ЯШИЛ ХУДУДЛАР 25 МИНГ ГЕКТАРГА ЕТКАЗИЛАДИ

Дастлаб қисқача тақдимотдаги энг муҳим жиҳатлар ҳақида. Бош режага мувофиқ, **Тошкент шаҳри кадастри рақамлаштирилиб**, худудларнинг тоифаси очиқ-ошкора қайд этиб қўйилади. Аҳоли ўз маҳалласи ёки тадбиркорлар бизнес очмоқчи бўлган ерининг қандай худудда жойлашганини интернет орқали бемалол кўриши мумкин бўлади. **Тирбандлик муаммосини ҳал этиш учун жамоат транспорти қулайлаштирилади.** Бунинг учун аҳоли уйдан 15 дақиқа пиёда юрадиган масофада бекат бўлиши талаб этилади. «Park and ride» тамойили асосида, шаҳар чеккаларида автотураргоҳлар ташкил этилиб, жамоат транспорти бекатлари билан боғланади.

Биноларга ижтимоий талаблар белгиланади. Масалан, шаҳар ичида кўп қаватли иншоот қурилгудек бўлса, унинг турига қараб, мактаб, боғча, маиший хизмат, автотураргоҳ ўрни, кўкаламзорлаштириш майдони каби меъёрлар қўйилади. Катта ҳалқа йўли атрофида «яшил камар» яратиш, шаҳардан ўтган каналлар бўйида тематик боғлар ташкил этиш кўзда тутилган. Умуман, пойтахтимизда яшил худудларни **ҳозирги 7 минг гектардан 25 минг гектарга** етказиш мақсад қилинган. Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳаси «Янги Тошкент»

«Ҳаёт лабораторияси» пойтахтга янги ҳаёт бахш эта оладими?

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ БОШ РЕЖАСИ ХАЛҚҚА ОЧИҚ БЎЛАДИ. НАТИЖАДА ҲАР КИМ ЎЗ ХУДУДИДА КЕЛГУСИДА ҚАНДАЙ БИНО ВА ИНШОТЛАР ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛАДИ



концепцияси билан мутаносиб тайёрланган. Бу янги шаҳар пойтахтнинг шарқий қисмида, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғида барпо этилади ҳамда 500 минг аҳолига мўлжалланган бўлади. 2022 йилнинг сўнгига қадар Бош режанинг бир қисмини тугатиш режалаштирилган. **«Ҳаёт лабораторияси»** Бош режани 4-5 йилга эмас, балки 50 йилгача бўлган узоқ муддатни инобатга олиб ишлаб чиқмоқда.

— **Тасаввур қилайлик, пойтахтнинг Бош режаси 2023 йил охирида тугатилди, 2024 йилнинг бошига келиб, бир йил олдинги маълумот эски бўлади, — дейди «Тошкентбошплани» ДУК шаҳарсозлик ва илмий лойиҳалар бўйича бош директор ўринбосари Саидазим Шарипов.** — Бу замон талабига жавоб бермайди. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкин, Бош режанинг асосий қисми тугатилди. Умумий қисми, яъни вазифаси, бинонинг баландлиги, функцияси аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қайси худудда қанча турар-жой мажмуаси бўлиши, қанча савдо мажмуаси қад ростлаши белгилаб берилади. Аммо ҳар беш йилда шу лойиҳа қайта кўриб чиқилади. Энг муҳими, Тошкент шаҳрининг Бош режаси халққа очиқ бўлади. Бунинг натижасида ҳар ким ўз худудида келгусида қандай бино ва иншоот қурилиши ҳақида маълумотга эга бўлади.

ТИРБАНДЛИК МУАММОСИ ҚАНДАЙ ЕЧИЛАДИ?

Тошкент деганда, бугун кўпчиликнинг кўз олдида йўллардаги тирбандлик келади. Пойтахтда 3 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу камиди 1,5 миллионга транспорт эҳтиёжи бор дегани. Агар шаҳарга яна турли мақсадлар билан ташриф буюрувчиларни инобатга олсак, бу кўрсаткич янада юқорилайди. Айтиш пайтда Тошкент бўйлаб ҳаракатланаётган автомобиллар 800 мингтани ташкил этади. Бу йўллар сиғимидан 3 марта кўп. Хўш, нима қилиш керак?

Энг аввало, жамоат транспортини фаолаштириш зарур. Тошкент шаҳрида ҳозирги вақтда жамоат транспортдан фойдаланиш улуши бор-йўғи 20 фоиз, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 80 фоизгача. Автомобиллар сиғимини йўлларга мослаштира олмайган пойтахтнинг оғриғи шунда. Янги лойиҳада Тошкент жамоатчилиги учун мўлжалланган шаҳар бўлиши кутилмоқда.

— **Биз кўпроқ автомобиль учун эмас, жамоат транспорти, велосипед, трамвай йўллари, метробус йўллари ташкил қилганмиз, — дейди Саидазим Шарипов.** — Лойиҳада чорраҳага яқинлашганда фақат жамоат транспортини ўтказиш тизими мавжуд. Кейинги ўринда ҳар қандай автомобиллар аҳолини манзилига етказиб қўяди.

Мазкур лойиҳа Транспорт вазирлиги билан ҳамкорликда ишланаяпти. Лойиҳа Тошкент ва «Янги Тошкент» худудларини ўзаро узвий боғлаган ҳолда ишлаб чиқилди. Бунда аҳоли учун қулай бўлган тезюрар транспорт воситаларининг режалари жорий этилади. Бош режага мувофиқ, метро, метробус, трамвайлар қатнови йўлга қўйилади. Тошкент ва «Янги Тошкент»ни бир-бири билан боғлашда асосий ўчта йўналиш: тарихий, туристик ва технологик бўйича ихтисослашган йўналишлар назарда тутилади.

ЭСКИ МАҲАЛЛАЛАР БУЗИЛАДИМИ?

Қурилишлар, бунёдкорлик ишлари ўз-ўзидан яна бир масалани кун тартибига қўяди: **давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер майдонларини олиб қўйиш.** Тўғри, бунда қонунчилик асосида компенсация пуллари тўлаб берилади, бироқ ким ҳам ота-боболари яшаб келган хонадонини ташлаб чиқиб кетгиси келади? Хўш, пойтахт Бош режасида, халқ тилида

Хуллас, яна бир лойиҳа Президент аралашуви билан амалга оширилиш арафасида. Уйлаймики, бу сафар масъуллар шунчаки ваъдалар билан қутилмайди. Лойиҳа яхши, энди биз унинг амалдаги ифодасини кўришимиз керак, холос. Умид қиламики, бу орқали пойтахтдаги чанг-тўзонлар, жазирама иссиқ, тирбандликлар ортда қолади, пойтахт том маънода яшаш учун қулай бўлган, инфратузилмаси тартибли қурилган, яшилликка бой, энг муҳими, барчаси инсон учун яратилган масканга айланади.

Иброҳим ПЎЛАТОВ.

Охирги йилларда иқлимшунос олимлар томонидан қиш-баҳор мавсумида ёғингарчиликнинг камайиши, тоғларда қор ва музларнинг тезда эриб кетиши натижасида минтақамизда сув танқислиги кучайиши бот-бот таъкидланмоқда ва бу вазият аллақачон юз бермоқда ҳам.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2022 йил 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўтган йилги тажрибадан келиб чиқиб, 20 октябрдан 1 декабргача кўчат экиш бўйича «Долзарб 40 кунлик» эълон қилинди.



Қоғозларда «экилган» дарахтлар ҳеч қачон кўкармайди

ҲАР ЙИЛИ КЎКЛАМДА МИЛЛИОНЛАБ КЎЧАТЛАР ЭКИЛАДИ, ҚОҒОЗЛАР ТЎЛДИРИЛАДИ ВА ЮҚОРИ ИДОРЛАРГА ҲИСОБОТ БЕРИЛАДИ. БИРОҚ ЁЗГА БОРИБ УЛАРНИНГ КЎПИ ҚУРИБ КЕТАДИ. ЎН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЭКИЛГАН НИҲОЛЛАРНИНГ ЙИГИРМА ФОИЗИ ТУТИБ КЕТГАНДА ҲАМ ҲОЗИР ЮРТИМИЗ КАМИДА ЎРМОНЗОРГА АЙЛАНГАН БЎЛАРДИ

Олий Мажлис Сенатининг хабар беришича, ўтган йилги «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида аслида экилмаган 6,2 млн. дона дарахт кўчати ҳисоботларда «экилди» деб қўшиб ёзилган. «Дарахт экиш ишлари тизимли ташкил этилмасдан, суғориш ва парваришлар учун тегишли масъуллар бриктирилмаган. Ҳақиқатда экилмаган 6,2 млн. дона кўчат ҳисоботларга қўшиб ёзилган, 3,4 млн. дона кўчат суғориш тизими бўлмаган жойларга экилган. Шунингдек, 2,4 млн. дона кўчат сувсизлик ва етарли парвариш бўлмагани сабабли баҳор ойи тугамасдан қуриб нобуд бўлган. Жойнинг табиий иқлим хусусиятларини инобатга олмаган ҳолда 341 минг дона кўчат яроқсиз ерларга экилган ва қуриб қолган», — дейилади хабарда. Юқоридаги ҳолат яшил ҳудудларни кўпайтириш ва дарахт экиш, уларни суғориш

ёки суғормасдан сув бериш бўйича аниқ бир тизимли ёндашувнинг йўқлиги, қисқа муддатда катта рақамларга эришишни ишанимнинг оқибатидир. «Бос-бос», илмий ёндашувларсиз қарашлар билан амалга оширилган «Яшил макон» тадбирларига қарамай, Ўзбекистонда йил давомида чўллашган майдонлар кенгайиши давом этмоқда. Бугунги кунда сунъий йўлдош технологиялари самодан ўсимлик танасидаги сув айланиш жараёнига бўлган механизмни ўзлаштириш имкониятига эга. Ана шундай дастурий муҳитлардан бири — меъёрлаштирилган ўсимлик индекс маълумотлари ҳам жорий йил Ўзбекистон заминиде яшил фитомасса камаяётганини қайд этган. Афсуски, қон-қонимизга сингиб кетган кўшиб ёзиш, саллани деса, каллани олиб келиш одатимиз ҳали-ҳамон

ҳар ишда панд бермоқда. Қуни кеча «Яшил макон» лойиҳасининг 2022 йил кузги мавсумига старт берилганидан барчамиз хабардормиз. Аммо бу йил ҳам 10 йиллардан бери такрорланиб келаётган хатоларга қайта йўл қўйилмаслигига кафолат борми? Миллионлаб бюджет пуллари сарфланган қимматбаҳо дарахтларнинг қаровсизликдан қуриб кетиш ҳолатлари ҳатто пойтахтимизда ҳам кузатилган. Бундай кўзбўямачиликларнинг охири бормикан? Одатда кўпгина ташаббуслар жуда кўтаринки руҳда, ғайрат-шижоат билан бошланади. Бироқ иш охирига етказилмасдан ёки кўзбўямачилик оқибатида ҳаммаси аро йўлда қолиб кетади. Масалан, ҳар йили кўкламда миллионлаб кўчатлар экилади, қоғозлар тўлдирилади ва юқори идораларга ҳисобот берилади.

Шу билан вассалом. Ёзга бориб ниҳолларнинг кўпи қуриб кетади. Ачинарлиси, бу жараён ўн йиллардан буён давом этиб келмоқда. Агар ўн йиллар давомида экилган ниҳолларнинг йигирма фоизи тутиб кетганда ҳам ҳозир юртимиз камида ўрмонзорга айланган бўларди. Охирги йилларда иқлимшунос олимлар томонидан қиш-баҳор мавсумида ёғингарчиликнинг камайиши, тоғларда қор ва музларнинг тезда эриб кетиши натижасида минтақамизда сув танқислиги кучайиши бот-бот таъкидланмоқда ва бу вазият аллақачон юз бермоқда ҳам. Айти пайтда республика ҳудудининг 31,4 млн. гектар майдони қурғоқчил ҳисобланади. Орол денгизининг қуриши туфайли 3 млн. гектарлик Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Республиканинг қатор вилоятларида чўлланиш юз бераётгани ҳам бор гап. Бунга

қарши энг самарали усул — кўкаламзорлаштириш, боғ яратиш ва ўрмонзорлар барпо этишдир. Дарахтлар ҳавони тозалаш билан бирга, ҳарорат кўтарилиб кетишининг ҳам олдини олади. Инсон бир кеча-кундузда 5-6 литр кислород ютиб, ҳавога карбонат ангидрид чиқаради. Бир кишининг кислородга бўлган бир кунлик эҳтиёжини қондириш учун 22 та дарахт керак бўлар экан. Битта дарахтнинг вояга етказиш учун камида ўн беш-йигирма йиллик муддат зарур. «Бирни кессанг, ўнни эк», деган нақл бор элимизда. Аммо бу нақлни бугунги кунга мослаб биров ўзгартириш керакдек, назаримизда. Экилган ҳар бир ниҳол ерга мустаҳкам илдиз отмай туриб кесишга ҳаққимиз қолмади ҳисоб. Ахир оддий дарахт экишни ҳам ҳалол бажара олмаямиз-ку.

У.ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Вилоят ҳокими аҳоли билан мулоқот қилди



Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов Когон туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида секторлар, ҳудудий бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида оммавий сайёр қабул ўтказди.

Қабулда фуқаролар томонидан, асосан, ишга жойлашиш, уй-жой, моддий ёрдам, йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик сув билан таъминлаш, кредит ажратишда кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, боғча, мактаб қурилиши ва бошқа бир қатор масалаларга оид мурожаатлар билдирилди. Уларнинг аксарияти жойида ҳал қилинди. Ечими маълум вақт талаб этиладиганлари бўйича муддат белгиланиб, ижроси вилоят ҳокимлиги назоратига олинди. Қоракўл туманидаги

«Янги турмуш» маҳалласида яшовчи 1-гурух ногирони Марат Қурбонов вилоят ҳокимининг Қоровулбозор туманида ташкил этилган сайёр қабулида даромад топишда имконияти йўқлиги, шу боис уй-жойини таъмирлашга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган эди. Мазкур масала тегишли тартибда жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқилди. Ҳокимлик ва саховатпеша ҳомийлар томонидан фуқаронинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Марат Қурбонов вилоят ҳокимининг қабулига

келиб, ўзи ва оиласининг миннатдорлигини билдирди. Шунингдек, Когон туманидаги «Сухор» маҳалласида истиқомат қилиб келаётган меҳнат фахрийси Яраш Файзиев аввалги мурожаатидан сўнг уй-жойини қонуний тартибда расмийлаштириб берилганидан мамнунлигини изҳор этди. Қабулда нафақат Когон тумани, балки Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон, Бухоро туманлари, шунингдек, Бухоро шаҳри фуқаролари ўз муаммолари билан вилоят раҳбарига юзланишди.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

МТТларни видеокузатув камералари билан жиҳозлаш, давлат боғчаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада кенгайтириш, МТТларда вақтинчалик (тўлиқ кун, ярим кун ёки икки соат) болаларни парвариш қилиш хизматини жорий қилиш таклиф қилинади.

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ жараёнда айрим камчиликлар ҳам борки, уларнинг ечими тизимнинг янада шаффоф фаолият юритишини таъминлайди, ота-оналарга қатор қулайликлар яратади.



Мактабгача таълим муаммолари қачон ечим топади?

ҚОНУНЧИЛИКДА БОЛАЛАР БОҒЧАСИГА ВИДЕОКУЗАТУВ МОСЛАМАЛАРИ ЎРНАТИЛИШИ МУМКИНЛИГИ БЕЛГИЛАНГАН. БИРОҚ МАЗКУР ТАРТИБ ИХТИЁРИЙ САНАЛАДИ. ШУ БОИС УНГА ҲАММА ҲАМ АМАЛ ҚИЛАВЕРМАЙДИ

1. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВИДЕОКУЗАТУВ КАМЕРАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ ЗАРУР.

Ижтимоий тармоқларда МТТларда болаларнинг қаровсиз қолдирилиши натижасида содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар, ходимлар томонидан қасддан етказилган жисмоний тан жароҳатлари, қийнаш, болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, ҳатто уларнинг ўлимига сабаб бўлиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди.

Мисол учун, Урганчдаги 2-сонли боғча тарбиячиси ҳамда Булунғур туманидаги 17-сонли боғча тарбиячиси болаларни ургани, Самарқандда МТТ тарбиячиси тарбияланувчиларнинг қўлига игна сангани, Наманганда боғчада танасининг 70 фоизи қайноқ сувдан куйган бола вафот этгани, Тошкентдаги хусусий МТТда 3 ёшли боланинг юзи тиббий воситалардан куйгани, Фарғонада тарбиячи болаларни тинчлантириш учун темир қошиқдан фойдаланиб, 4 ёшли боланинг бир кўзидан айрилишига сабабчи бўлгани ҳақидаги хабарлар юқоридаги масаланинг янада долзарб эканини тасдиқлайди.

«Мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомда МТТда тарбияланувчилар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улар учун зарур шароитларни яратилишини назорат қилиш мақсадида **видеокузатув мосламалари** ўрнатилиши мумкин экани белгиланган. Бироқ мазкур тартиб **ихтиёрий** саналади. Хорижий давлатларда бинони камералар билан

жиҳозлаш мактабгача таълим ташкилотлари учун мажбурий талаб ҳисобланади. Хусусан, **Жанубий Кореяда** болалар боғчаларида ёпиқ схемали кузатув камералари ўрнатилиши **мажбурий** қилиб белгиланган. Мазкур тартибга кўра, ҳар бир болалар боғчаси, умумий ўйин хонаси, ўйин майдончаси, умумий овқатланиш, дарс қилиш хоналарида камида битта видеокузатув мосламаси ўрнатилиши керак. **Исроилда** МТТларида видеокузатув воситаларини ўрнатиш **мажбурийлигини** назарда тутувчи қонун қабул қилинган.

2. ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҚЎШИМЧА ПУЛЛИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЛОЗИМ.

Мактабгача таълим вазирининг 2019-йил 18 январдаги буйруғи билан «Давлат мактабгача таълим ташкилотларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган. Унда қўшимча пуллик хизматлар рўйхати келтирилган. Бироқ мазкур хизматлар доираси чегараланган ва хизматлардан фойдаланувчилар учун мослашувчан эмас. Хусусан, болани парваришлаш, унга вақтинчалик қараб туриш, ўқитиш хизматлари фақат дам олиш кунлари ёки иш куни яқунлангандан кейин амалга оширилиши назарда тутилган.

Хорижий давлатларда мазкур турдаги хизматларни МТТ ота-оналарнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиққан. Масалан, **Гонгконг**да

боғчанинг ўзида ёки мустақил тарзда Болаларни парвариш қилиш марказлари ташкил этилган бўлиб, улар бола парвариши билан боғлиқ қатор хизматларни тақдим этади. Хусусан, мазкур турдаги марказларда вақтинчалик (тўлиқ кун, ярим кун ёки икки соат) болаларни парвариш қилиш хизмати мавжуд. Бу хизмат уйда тарбияланадиган болани муайян вазиятларда (ота-оналар, қонуний вакилларнинг тўсатдан ишлари чиқиб қолганда) болага вақтинчалик қараб туриш, овқатлантириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, тиббий ёрдам кабиларни ҳам ўз ичига олади. Ҳақ тўлаш тартиби «соатбай» бўлиб, белгиланган нархлар бўйича амалга оширилади.

Австралияда давлат МТТ ва болаларни парвариш қилиш марказлари Флехи Саре (болани вақтинча парвариш қилиш) хизматини керакли вақтда ва қисқа муддатда буюртма қилиш имкониятини тақдим этади. Ушбу хизматга бўлган талабни бошқариш ва буюртма беришни осонлаштириш учун тегишли иловалар мавжуд. **Россия Федерациясининг** хусусий МТТларида «соатбай» болаларга қараш хизматлари ташкил этилган бўлиб, бундай мактабгача таълим муассасалари камида 11 ойлик бўлган болаларни қабул қилади.

3. ҚОНУНЧИЛИКДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИ БОШҚА МТТГА КЎЧИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЪЁРЛАР МАВЖУД ЭМАС.

«Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонунда тарбияланувчиларни бошқа МТТларга кўчириш

тартиби белгиланмаган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти»да тарбияланувчиларни бошқа МТТга кўчириш тартиби келтирилмаган.

Маълумот учун:
«Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти»нинг эски таҳририда бошқа муассасалардан ўтказилган болаларни имтиёзли асосда МТТга қабул қилишга оид меъёрлар мавжуд бўлган. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 319-сонли қарори билан мазкур тоифа чиқариб ташланган.

Қайд этиш керакики, бугунги кунда ота-оналарнинг иш жойининг бошқа хуудга ўзгариши, ўқишга қабул қилингани, ҳарбий хизмат муносабати билан

ёки тарбияланувчининг хавфсизлиги жиҳатидан бошқа хуудга кўчириш ҳолатлари учрайди. Бироқ кўчиб ўтилган хууддаги МТТларга болаларни қабул қилиш бўйича имтиёзли тартибнинг мавжуд эмаслиги ота-оналар учун турли қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида МТТ тарбияланувчиларини бошқа МТТга кўчириш тартиби бевосита белгилаб қўйилган ва мазкур тоифадаги болаларни қабул қилишда устунлик ҳуқуқи назарда тутилган. Хусусан, **Финляндиянинг** «Эрта таълим тўғрисида»ги қонунига кўра, агар боланинг ота-онаси иш ёки ўқиш муносабати билан бошқа хуудга кўчиб ўтишдан камида 2 ҳафта олдин бола ўтказиладиган МТТни белгиланган тартибда хабардор қилиши ва мазкур муассаса эса болани қабул қилиш учун тегишли чораларни кўриши лозим. **Литвада** бошқа хууддаги муассасада меҳнат шартномаси бўйича камида 6 ой ишлаши кутилётган ходимларнинг фарзандлари бошқа боғчага навбатсиз ўтказилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, МТТларни видеокузатув камералари билан жиҳозлаш, давлат боғчаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада кенгайтириш, МТТларда вақтинчалик (тўлиқ кун, ярим кун ёки икки соат) болаларни парвариш қилиш хизматини жорий қилиш таклиф қилинади. Шунингдек, қонунчиликда тарбияланувчиларни бошқа МТТга кўчиришни тартибга солувчи меъёрларни мустаҳкамлаш, алоҳида ҳолатларда, жумладан, ота-онанинг иш жойи бошқа хуудга ўзгариши, ўқишга қабул қилингани, ҳарбий хизмат муносабати билан ёки тарбияланувчининг хавфсизлиги жиҳатидан бошқа хууддаги МТТга кўчиришда имтиёзларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Шоира АЛАМОНОВА,
Адлия вазирлиги хузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими.

МУНОСАБАТ

Ушбу жараён жазолаш воситаси сифатида эмас, умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, педагоглар меҳнатини муносиб қадрлаш, фаолият самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш, бошқарув органларининг таълим сифатини оширишга қаратилган фаолиятини кучайтиришга қаратилган.

Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаев вилоят фаоллари билан ўтказилган йиғилишда Халқ таълими бошқармаси бошлиғи ҳамда унинг ўринбосарларини лавозимидан бўшатгани ўтган ҳафтанинг энг шов-шувли воқеаларидан бири бўлди. Қолаверса, 1 йил муддат берилиб, бошқарма бошлиғи шу даврда вақтинча вазифасини бажарувчи сифатида натижа кўрсатмаса, бошқарма тарқатиб юборилиши айтилди.



Мақтаблар рейтингига жазолаш воситаси эмас

МУАММОНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН КИМНИДИР ЖАЗОЛАШ ШАРТ ЭМАС, БАЛКИ КЎМАК КЎРСАТИБ, ЁРДАМ БЕРИШ ЛОЗИМ

Масалала холис ёндашсак, вилоят ҳоқимининг куюнганини тўғри тушуниш мумкин. Чиндан ҳам, бугун вилоятдаги халқ таълими абгор аҳволда. Асосий эътибор шуни яхшилашга қаратилмоқда. Аммо иккинчи томондан яна савол туғилади: ҳоқимнинг тутган йўли тўғрими? У ўзи юқорида айтган ваколатларга эгами? Агар шундай бўлса, Халқ таълими вазирлиги қандай ишлар билан банд?

Бу ҳолат бир менда эмас, кўплаб юрдошларимизда шу каби саволларни пайдо қилди. Хўш, Халқ таълими вазирлиги тизимидаги бўлим ва бошқарма бошиқларини лавозимга тайинлаш ва бўшатиш кимнинг ваколатига киради? Ўзи умуман, бу вазият қайси қонунлар билан тартибга солинади?

— Аввало, айтиш керакки, бирор вилоят ҳоқими нафақат бошқарма бошлиғи, балки туман бўлим бошлиғини ҳам лавозимдан бўшатиш ваколатига эга эмас, — дейди Халқ таълими вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Азамат Эшдавлатов. — Тошкент вилоятидаги ҳолатда ҳам ҳоқим ҳаракатларида асос кўрмадим. Агар ростан ҳам вилоят ҳоқими ходимлар

фаолиятдан норози бўлса, Халқ таълими вазири номига тақдимнома киритиши керак. Шундан кейин вазирлик томонидан бу тақдимнома кўриб чиқилади ва асосли бўлса, ходимлар аввал меҳнат қонунчилигига кўра, интизомий жазога тортилади.

«Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи ўрни ва масъулияти кучайтирилиб, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органларининг мазкур йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатлари аниқ белгиланган ва тартибга солинган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси раҳбарлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари бошиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари билан келишилмасдан Халқ таълими вазири томонидан амалга оширилади.

Аксинча, фармонда

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимлари халқ таълими муассасаларини кўллаб-қувватлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш масаласида ҳар томонлама кўмаклашиш белгиланган.

Тегишли ҳудудда умумтаълим муассасаларига ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ўқитувчилар ва ушбу соҳа ходимларининг мақомини яхшилашга ва оширишга ёрдам бериш, халқ таълими муассасаларига кўмаклашиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитиш, халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани (тротуарлар, йўللар ва бошқалар) зарур ҳолатда сақлаш бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш, халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа

коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш шулар жумласидан.

Қолаверса, туманлар (шаҳарлар) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш, халқ таълими муассасалари ҳудудининг ва кўчмас мулкнинг бутунлигини ҳамда дахлсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш, умумтаълим муассасаларини ривожлантириш учун инвестицияларни ва ҳомийлик ёрдамлари жалб қилишга кўмаклашиш, халқ таълими муассасаларидаги мавжуд муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиш бўйича бошқа чоралар кўрилишини ташкил этиш учун шахсан жавобгар. Ўрни бу вазиятда вилоят халқ таълимидаги салбий ҳолатга ҳоқимлар ҳам теппа-тенг масъул ҳисобланади. Демак, муаммони бартараф этиш учун кимнидир жазолаш шарт эмас, балки кўмак кўрсатиб, ёрдам бериши лозим.

Чунки таълим муассасалари рейтингини аниқлашдаги мезонларда ҳоқимларга тааллуқли

вазифалар ҳам киритилган. Жумладан, тўртта муҳим йўналишда 8 та индикатор бўйича таълим сифатига баҳо бериладиган рейтингда 11-синф битирувчиларининг бандлигига 10 балл, мақтаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқув-тарбиявий муҳитни кўллаб-қувватлаш учун туман (шаҳар) маҳаллий бюджетининг орттирилган маблағлари ҳисобидан қилинган кўшимча харажатлар ҳажмига 10 балл берилиши белгиланган.

Яна бири муҳим факт — Президент топшириғига кўра, мақтаблар рейтингига, аввало, ҳоқимлар ҳамда уларнинг таълим ва тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини баҳолашни ҳам кўзда тутати. Яъни ушбу жараён жазолаш воситаси сифатида эмас, умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, педагоглар меҳнатини муносиб қадрлаш, фаолият самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш, маҳаллий бошқарув органларининг ўз ҳудудларида таълим сифатини оширишга қаратилган фаолиятини кучайтиришга қаратилган.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Боёвутда тиббиёт пунктлари сони биттага ошди

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш ва бирламчи тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида Боёвут туманининг «Дўстлик» маҳалласида янги тиббиёт пункти очилди.



Мазкур маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли 7-8 қақирим узоқликда жойлашган 6-оилавий шифокорлик пунктига боришига тўғри келар, узоқ масофа қатор ноқулайликларни келтириб чиқараётган эди.

Эндиликда ҳудуддаги 1 100 нафар аҳолига янги ташкил этилган маҳалла тиббиёт пунктида оила шифокори ва патронаж ҳамшираси

томонидан хизмат кўрсатилади.

Маълумот ўрнида қайд этиш керакки, бунга қадар шундай тиббиёт пунктлари фаолияти Муқимий номидаги, «Бобоюрт», «Навбахор», «Ўзбекистон», «Янгибўстон» ва «Янгиобод» маҳаллалари ҳудудидаги қишлоқларда ҳам йўлга қўйилган эди.

Мухбиримиз.

БИЛАСИЗМИ?

Томорқа ер участкалари эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилган тадбиркорларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан БХМнинг 20 бараваригача (6 млн. сўмгача) миқдорда ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан субсидия ажратилади.

1 НОЯБРДАН ҚОНУНЧИЛИКДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

АНЪАНАГА МУВОФИҚ 2022 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА РЎЙ БЕРАДИГАН АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ

Томорқачиларга субсидия берилади



Томорқа ер участкалари эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилган тадбиркорларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан БХМнинг 20 бараваригача (6 млн. сўмгача) миқдорда ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан субсидия ажратилади. Субсидиялар парранда, асалари оиласи, қуён, уларни сақлаш катаклар, озуқа еми ҳамда дори воситалари, шунингдек, балиқ чавоқлари, сунъий ҳовуз ва озуқа еми, узум кўчати ва ток сўрисини харид қилиш ҳамда кейинчалик томорқа ер эгаларига тақдим этиш учун берилади.

Шунингдек, «Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, 10 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати киритилади.

Никоҳ ДХМлар орқали тузилади

«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартибларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига асосан, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратишни қайд этиш учун аризаларни Сирдарё вилоятининг туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилади.



Талабалар ишлашига рухсат берилади

«Давлат тиббий муассасаларини кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ҳукумат қарорига кўра, туман (шаҳар) лар кесимида



бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оилавий шифокор ва тор доирадаги шифокорлар, тез тиббий ёрдам муассасаларида шифокорлар, шунингдек, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимларида шифокорларга бўлган эҳтиёж аниқланади. Биринчи босқичда 2022 йил 1 октябрдан бошлаб Сурхондарё вилоятида, иккинчи босқичда эса 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида мавжуд вакант лавозимларга талабалар, магистр ва клиник ординаторларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилади.

«Коробка» уйларга субсидия ажратилади



жой бозорида сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга ҳамда улар бўйича ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлашга рухсат берилади.

«Ипотека кредитдан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартсиз қурилган уйлардаги квартираларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) бирламчи уй-

«Дом»ларда қўшимча объект қуриш тақиқланади



«Кўп квартиралар уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига биноан, кўп квартиралар уйларни бошқариш органлари бошқарув фаолиятини, улар электрон реестрга киритилгандан сўнг амалга оширади. Уйларни қуриш лойиҳа ҳужжатларида, кадастр паспортида умумий фойдаланишдаги мулк рўйхати

аниқ кўрсатилади. Қурилиши тугалланган кўп квартиралар уйларга рухсатнома берилгандан сўнг, лойиҳа ҳужжатлари, кадастр паспорти ва мазкур рухсатномага умумий мол-мулкни камайитириш ва туташ ерда қўшимча объект қуриш учун ўзгартириш киритиш тақиқланади.

Тадбиркор фаолиятини текшириш камаяди

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатга олинади. Бунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади. Шунингдек, текширувларнинг бошланиши ҳақида камида 10 иш куни олдин хабар бериш шарт. Тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганда, текширув белгиланган тартибда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилмаганда ёки у хабардор этилмаганда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаганда, улар Текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош торганида текширув ўтказиш учун ўз ҳудудига қўймаслик ҳуқуқига эга.



Алоқа операторлари давлат хизматини кўрсатади



Мобиль алоқа операторлари, тижорат банклари ҳамда тўлов тизимлари операторларига ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда, ўзларининг мобиль иловалари орқали Ягона порталдаги электрон давлат хизматларини кўрсатишга, идентификацияловчи ID-картага жойлаштирилган электрон рақамли имзо калитлари орқали Ягона порталнинг мобиль иловасида жорий этилган электрон давлат хизматларидан фойдаланишга рухсат берилади. Бунда электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона идентификациялаш ахборот тизими орқали идентификация қилинади.

Шунингдек:

☑ ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларнинг автоматотранспорт воситасини бошқаришга яроқлилиги тўғрисидаги тиббий маълумотларнинг ягона электрон базаси шакллантирилади ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимида интеграция қилинади;

☑ IT-парк резиденти бўлган ташкилотларнинг ахборот технологиялари соҳасида таҳсил олаётган иштирокчи сертификатини олган ёки ушбу ўқув курсларини сўнгги 6 ойда муваффақиятли тамомлаган ёшларга компьютер харид қилиш учун БХМнинг 25 бараваригача (7,5 млн. сўмгача) истеъмол кредитлари ажратилади;

☑ бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 5 фоизидан ошмаган тақдирда, муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди ва тадбиркорга нисбатан жарима қўлланилмайди;

☑ интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳолда ишлаб чиқарилаётган, сотилаётган ва тарқатилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва тарқатувчиларга ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш идоралараро ахборот алмашинуви Адлия вазирлигининг «IP-Protection» ахборот портали орқали амалга оширилади.

ТАҲЛИЛ

Бугунги кунда ичимлик сувини тежаш инновацион технологиялардан фойдаланишни тақозо қилади. Яъни биз кундалик турмушда фойдаланадиган сувни қайта ишлаб, уларни дов-дарахтларни суғоришга, умуман, ундан қайта фойдаланишга йўналтириш керак.



Исрофга йўл қўймаслик — ҳар қандай инсоннинг асосий вазифаларидан бири. Мусулмончиликда бу ҳатто қатъий талаб ҳамдир.



Ҳар куни 231 тонна сув шунчаки исроф бўляпти

ҲАР БИР КАТТА МУАММО КИЧИКЛИГИДАН БАРТАРАФ ЭТИЛСА, ЧОРА КЎРИЛСА УНИ ЕНГИШ, ЕЧИМ ТОПИШ ОСОНРОҚ БЎЛАДИ. АГАР ОРОЛ МУАММОСИГА ВАҚТИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГ АНИДА БУГУН ДЕНГИЗ ҚУРИМАГАН, МАЪЛУМ БИР ҚИСМИ САҚЛАБ ҚОЛИНГАН БЎЛАРДИ

Биз сувни исроф қиляпмиз. Ростдан ҳам, бу нафақат турмушда, умуман, мамлакат ҳаётининг барча соҳалари, айниқса, қишлоқ хўжалигида суғориш технологияси бир аср олдинги сув тақчил бўлмагандаги ҳолатини деярли ўзгартирмаган. Бугун дунё бўйича мавжуд ичимлик сувнинг 70 фоизини қишлоқ хўжалиги истеъмол қилса, Ўзбекистонда бу 45 696 млн. метр куб, яъни 90 фоизни ташкил этади. Энг ачинарлиси, шунинг 60 фоизи турли сабабларга кўра, исроф қилинади. Яъни бугун биз қишлоқ хўжалиги учун ажратилган сувнинг ярмидан кўпини бутунлай самарасиз ишлатмоқдамиз.

АҚШда бир кубометр сув сарфи ҳисобидан ўртача 4-6 долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бизда эса шунча сув сарфлаб, 0,15 доллар (яъни 15 центлик) маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шунинг ўзиёқ сувдан фойдаланиш борасида қанча вазифалар олдимизда турганини англатади. Сувни тежаш ҳақида-ку оилаларимизда умуман гапирилмайди, десак ҳам бўлади. Аммо бу бепарволик ва лоқайдлик яқин йилларда мамлакатимиз миқёсида сув билан боғлиқ улкан муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

ТИШ ЮВИШГА БИР СТАКАН СУВ ЕТАРЛИ

— Иқтисодий ва сиёсий патологияга олиб келадиган экологик вирусни қўзғатмаслик учун сувни тежамкорлик билан ишлатиш ҳақида жамоавий тушунчани

шакллантириш керак, — дейди **Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси Борий Алихонов**. — Акс ҳолда 2040 йилларга бориб, Амударё ва Сирдарё оқимининг қисқариши билан Ўзбекистонда сув ресурслари тақчиллиги 33 фоизга етиши мумкин.

Жаҳон банки прогнозларига кўра, Марказий Осиёда тоза ичимлик сув етишмаслиги ЯИМнинг 11 фоизга пасайиб кетишига сабаб бўлади. Минтақада 80-90 фоиз сув ресурслари қишлоқ хўжалигида ишлатилмоқда. Суғориладиган ерларнинг минтақа бўйича умумий майдони 7 млрд. 695 млн. гектарни, Ўзбекистонда эса 4,2 млн. гектарни ташкил этади. Масалан, битта одамга тиш ювиш учун бир стакан сув етиб ортади. Аммо биз бу жараёнда сувни оқизиб қўйиб ювишни маъқул кўраемиз. Бунда эса ҳар бир киши 7 литр сувни исроф қилади. Агар 33 миллион аҳолининг ҳар бири 7 литрдан сувни исроф қилса, кунига 231 тонна сув шунчаки оқиб, увол бўлади.

— **Пойтахтимизда 687 мингдан зиёд истеъмолчи бўлиб, уларга кунига 2-2,5 млн. куб тоза ичимлик сув етказиб берилади, — дейди «Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖ Сув тақсимоти бошқармаси ходими Фазлиддин Раҳматов.** — Ёз ойларида аҳоли орасида салқинлаш учун шунчаки ичимлик сувни оқизиб қўйиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Қолаверса, кундалик турмушда жуда кўп ҳолларда ичимлик сувдан беҳудага фойдаланиш одамларимизга

одат бўлиб қолган. Бизда 1 куб ичимлик сувни етказиб беришнинг 27 фоизи насос-агрегатлар ёрдамида амалга оширилади ва бунга маълум бир ҳажмдаги электр энергияси сарф бўлади. Ичимлик сувни беҳуда исроф қилиш эса мана шу икки ресурсларнинг ҳам увол бўлишига сабаб бўлмоқда.

МАСЖИД СУВИНИ ҲАМ ҚАЙТА ИШЛАШЯПТИ

Исрофга йўл қўймаслик — ҳар қандай инсоннинг асосий вазифаларидан бири. Мусулмончиликда бу ҳатто қатъий талаб ҳамдир. Шу боис айрим ислом давлатларида масжидлар таҳоратхонасидан оққан сувни қайта ишлаш назарда тутилади. Масалан, Қатардаги масжидларда сувни сақлаб қоладиган махсус қурилмалар ўрнатилган. Яманди масжидларда фойдаланилган сувни қандай қилиб қайта ишлатиш йўллари кўриб чиқилаётир.

Масжидларда одатда кўп сув ишлатилади. Беш маҳал намоз ўқишга келадиганларнинг аксарияти ҳар гал таҳорат олишади. Кўпинча сув жўмрақлари бекитилмай қолади. Яқин Шарқ мамлакатларида сув арзон эмас. Айрим мамлакатларда бир литр сув бир литр бензин нархига тенг. Қатарда диний ишлар бўйича вазирлик масжидларда сувни тежаш борасида ташвиқот ишларини бошлаб юборган. Қатар мулозимлари масжидларда сувни тежаш учун ўрнатилган қурилмалар ёрдамида катта миқдорда сувни тежаб

қолишлари ҳақида айтишган. Яманди расман етмиш беш мингта масжид рўйхатга олинган. Тадқиқотлардан бирида айтилишича, бу масжидларда ишлатилмаган сув билан мамлакат қишлоқ хўжалиги ерларининг етмиш фоизи суғорилиши мумкин.

БОҒЛАР ЧИҚИНДИ СУВЛАРИ БИЛАН СУҒОРИЛАДИМИ?

Чиқинди сувлар билан эндиликда тобора қуриб бораётган анъанавий боғларни суғориш режаланмоқда. Жума ибодатларида эса имомлар ҳам сувни тежаш ҳақида ваъз ўқимоқдалар. Ваъзларда Пайғамбаримизнинг оқиб турган дарё бўлса ҳам сувни исроф қилмаслик ҳақидаги ҳадислари эслатилади. Аҳолининг катта қисми ислом динига эътиқод қилишини ҳисобга олган ҳолда, бизда ҳам ана шундай технологияларни йўлга қўйиш, имомларимиз томонидан ҳамюртларимизга сувни тежаш бўйича тушунтиришлар олиб борилиши бизнингча, мамлакатимизда тоза ичимлик сув танқислигининг олдини олишда катта ёрдам беради.

СИЗУ БИЗ НИМА ҚИЛА ОЛАМИЗ?

Тоза ичимлик сув — Ер сайёрасида инсоният кун кўриши учун энг муҳим ва зарур манбалардан бири эканини кўп марта таъкидлаб ўтдик. Дунё аҳолиси сони ортиб боргани сайин сувга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга кескин ошмоқда. Уйда сувни тежаш нафақат бу қимматбаҳо

ресурсни тежашга, балки истеъмолчиларнинг маблағини иқтисод қилишга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда ичимлик сувини тежаш инновацион технологиялардан фойдаланишни тақозо қилади. Яъни биз кундалик турмушда фойдаланадиган сувни қайта ишлаб, уларни дов-дарахтларни суғоришга, умуман, ундан қайта фойдаланишга йўналтириш керак. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғоришга кўплаб имтиёз ва таклифлар берилмоқда. Шу имкониятлардан фойдаланиб, ичимлик сувни тежашга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг чин инсонийлик бурчимиздир.

Ҳар бир катта муаммо кичиклигидан бартараф этилса, чора кўрилса уни енгил, ечим топиш осонроқ бўлади. Агар Орол муаммосига вақтида эътибор қаратилганида бугун денгиз қуримаган, маълум бир қисми сақлаб қолинган бўларди. Шундай экан, ҳар қадамда, оилада, уйда, жамоат жойларида очиқ турган жўмрақларга, беҳуда оқиб ётган тузатилмаган қурилмаларга бефарқ бўлмайлик.

Фарзандларимизга шу нарсани ўргатайликки, жўмрақдан сув эмас, ҳаётимиз, олтинга тенг бир неъмат оқиб кетаётганини ҳис қилишсин. Ахир ростдан ҳам дунёда бир томчи сувни олтин нархига сотиб олишга тайёр мамлакатлар борлигини асло ёддан чиқармайлик!


Саида ИБОДИНОВА.

ВАЗИЯТ

Норин туманида автомактаб ўқитувчиси онлайн қимор сабаб ўз жонига қасд қилгани ҳақида хабар тарқалганди. Бундан сал ўтиб, Фарғона давлат университетида ишлайдиган йигит уйинда катта қарздор бўлиб қолгани туфайли ўзини ўлдирган. Данғарада ўспирин «1Xbet» да 16 миллион сўм ютқазгани сабаб ўз жонига суиқасд қилган.

Замонавий технологиялар барча соҳаларга жадал кириб келди. Афсуски, ҳаётнинг тубан жабҳалари ҳам ундан фаол фойдаланяпти. Айниқса, ҳар қандай ҳуқуқий ва ҳудудий чегараларни тан олмайдиган интернет тармоғидаги электрон қиморхоналар фаолияти авж олмоқда. Бугунги кунгача юртимизда мазкур «чангак» туфайли ўз жонига қасд қилган турли ёш ва касб эгаларини ўнлаб санаш мумкин. Улар орасида ҳатто хотин-қизлар, вояга етмаганларнинг мавжудлиги одамни хавотирга солади.

«Электрон чангак»ка яна қанча қурбонлар илинади?



ХАВФ ЖУДА ЯҚИН. ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚЎЛИМИЗДАГИ ТЕЛЕФОН ИЧИГА ЯШИРИНГАН. ИЛГАРИЛАРИ ФАРЗАНДЛАРНИ ҚИМОРБОЗЛАР, «ЁМОН ОТЛИҚ» ИНСОНЛАР ВА ЖОЙЛАРДАН УЗОҚРОҚДА САҚЛАШ БИЛАН МАЗКУР ИЛЛАТ ДОМИГА ТУШИШДАН АСРАШ МУМКИН БЎЛСА, ҲОЗИРДА «ҚИМОРХОНА» ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ҚЎЛИДА, ЧЎНТАГИДА, БОЛАЛАР ХОНАЛАРИДА ҲАМ ТУРИБДИ

ЭРИНИНГ МАШИНАСИНИ ҚИМОРГА ЮТҚАЗГАН КЕЛИН

Бугун шу мазмундаги ҳодисалар ОАВларида тез-тез кўриниш берапти. Мисол учун, Норин туманида автомактаб ўқитувчиси онлайн қимор сабаб ўз жонига қасд қилгани ҳақида хабар тарқалганди. Бундан сал ўтиб, Фарғона давлат университетида ишлайдиган йигит уйинда катта қарздор бўлиб қолгани туфайли ўзини ўлдирган. Данғарада ўспирин «1Xbet» да 16 миллион сўм ютқазгани сабаб молхона айвонига ўзини осди.

Гулистонда 26 ёшли фуқаро 100 миллион сўмдан ортиқ маблағни ютқазгани боис хола-сининг хонадонига ўғирликка кириб, унинг ўғлини пичоқлаб ҳалок этган. Пастдарғомда 17 ёшли ўспирин ўз жонига қасд қилди. Ёш келинчақ эрининг машина олиш учун йиққан пулларини «электрон чангак»ка ютқазган. Содда жувон ёлғон рекламага ишониб, эрининг 10 минг долларини «бир деганда» йигирма мингга айлантириш ва у билан бир хил рангдаги машина сотиб олишни орзу қилганди. Оқибатда эса оила вайрон бўлди ва ҳоказо...

ЯНАДА ДАҲШАТЛИ ҲОДИСАЛАР БОР...

Электрон қимор туфайли содир бўлаётган даҳшатлар

юқоридагилар билангина тугаб қолмайди. Масалан, яқинда ёзёвонлик бир қотилга суд ҳукми ўқилиб, 20 йилга озодликдан маҳрум этилди. Каттагина корхонанинг иш юритувчиси, икки фарзанднинг отаси, ўзига тўқ оиланинг аъзоси... У бир ўйинда 100 миллион сўмдан ортиқ пулни ютқазиб қўйган. Бундан ташқари, аввалги ўйинлар учун дўстларидан олган катта-катта қарзлари ҳам бор. Барини узиш учун хаёлида фақат бир йўлни кўрган. Яъни яна қарз олиб қимор ўйнаш, ютиб қарзларни тўлаш.

Шунча пайтдан буён бирор марта ютмаган бўлса-да, реклама ва психологик тобеллик туфайли бошқа чора топа олмади. Натижада қўшнисидан қарз сўрайди. 2 минг доллар олгач, тадбиркор қўшнининг қолган пуллари қаерда туришини аниқлаган. Уйда ҳеч ким йўқ пайти ўғирликка тушган. Бахтга қарши шу маҳалда ҳомиладор янги келинчақ шифокор кўригидан уйга қайтиб қолади. Натижада айби ошкор бўлишидан қўрққан қиморбоз унга яхшилик қилиб қарз берган қўшнисининг ҳомиладор аёлини бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмай сўйиб ташлайди.

ХЎШ, НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Масала юзасидан фожиаларни яна узоқ санашимиз

мумкин. Аммо «юқори»дан эътибор бўлмаса, улар фақат кўпаяди, холос. Бундан ташқари, электрон қимор келтирган фожиалар тўғрисидаги хабарлар кейинги пайтларда ҳеч кимни ҳаяжонга ҳам солмай қўйди. Одамлар бундай ҳодисалар гўёки узоқ-узоқларда рўй бераётганидек, уларга, яқинларига мутлақо алоқаси йўқдек қарайдиган бўлиб қолишган. Ваҳоланки, хавф жуда яқин. Ҳар биримизнинг қўлимиздаги телефон ичига яширинган. Илгарилари фарзандларни қиморбозлар, «ёмон отлиқ» инсонлар ва жойлардан узоқроқда сақлаш билан мазкур иллат домига тушишдан асраш мумкин бўлса, ҳозирда «қиморхона» фарзандларимизнинг қўлида, чўнтагида, болалар хоналарида ҳам турибди.

— Утган йили маҳалла-миздаги ўсмир йигит электрон қимор туфайли молхона айвонига ўзини осди, — дейди Ёзёвон туманидаги «Пишқарон» маҳалласи раиси Манзурахов Солиева. — Шундан сўнг мактаб, маҳаллада ўтказилган йиғилишлар, тушунтириш ишлари натижасида яна бир йигитчани шу каби ўйинларга берилиб кетганини вақтида билиб қолдик. Уртоғи ота-онасига айтган. Акс ҳолда қурбонлар сони яна биттага ортиши мум-

кин эди. Зеро, у ҳам анчагина қарз бўлишга улгурган экан. Маҳалламиз бошига тушгани учун биламиз. Электрон қимор жуда «писмиқ» ҳодиса экан. Бу дардга чалинган инсонни, гўдакни аниқлаш жуда қийин. Билиб бўлмайди ҳам. Ёнингизда гўёки телефонидаги ижтимоий тармоқлар орқали ўртоқлари билан гаплашаётгандек туюлаверади. Аслида эса, уша маҳалда ҳаёт-мамоти ҳал этилаётган бўлади. Суицид қилган йигитчанинг ота-онаси ҳам уни қимор ўйнаб, қарзга ботаётганини умуман билишмаган. Шу ўринда ҳукумат томонидан турли сайтлар, ижтимоий тармоқларнинг блоклангани тўғрисида тез-тез эшитиб қоламиз. Демак, интернет сайтларни ҳам блокласа бўлади. Қиморбозлар сайтларини блоклайлик. Ҳеч ким ундан фойдалана олмасин. Зеро, бу сайтлар айрим ижтимоий тармоқлардан ҳам хавфлироқ.

Раиснинг сўзларида жон бор. Сайтларни блоклаш мумкин. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ходимлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда интернет тармоқларида жойлаштирилаётган реклама маълумотларининг қонунчилик талабларига мувофиқлигини мунтазам ўрганиб келади.

Мисол учун, ушбу ташкилотлар томонидан ўндан ортиқ ноқонуний фаолият юритувчи сайтларга кириш чекланган. Электрон қимор хизматларини таклиф қилаётган сайтларни излаш ва блоклаш ишлар мунтазам давом ҳам этади.

Аммо бугунги кунда замонавий технологиялар шу даражада ривожландики, ҳеч бир сайтни тўла чеклаб қўйишнинг имкони мавжуд эмас. «Тор» браузерлар, «VPN» дастурлар ҳар қандай чекловни бузиб ўтиш имконини беради. Ёшларимиз эса мазкур имкониятлардан фойдаланиш усулларини жуда яхши ўзлаштиришган. Бундан ташқари, қимор хизматлари ижтимоий тармоқлар ва масалага мутлақо алоқаси бўлмаган сайтлар орқали ҳам тарғиб қилинмоқда. Масалан, кино ва клиплар кўриш учун мўлжалланган дастурларнинг айримлари «электрон қиморхоналар»ни чекловсиз тарғиб қилишмоқда.

Шундай экан, яқинларимизни бу каби иллатлар тузоғига тушиб қолмасликларни учун, барибир, аввало, тарбияни кучайтириш лозим. Фарзанди фойдаланаётган телефонлар, компьютерларни вақти-вақти билан текшириб туриш ҳар бир ота-онанинг вазифасидир.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

БИЛАСИЗМИ?

Ноқонуний ер участкаларини расмийлаштириш ишлари яқунланади

«Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айрим маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, Кадастр агентлиги томонидан Миллий геоахборот тизимида очиқ маълумотлар асосида оммавий геопортал юритилади ва у 2023 йил 1 январга қадар ишга туширилади.

Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ишлари фақат ахборот тизими орқали

электрон тарзда амалга оширилади. 2024 йил 1 январга қадар давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари амалда фойдаланиб келаётган, бироқ ер ажратиш ҳақида қарор қабул қилинмаган ер участкаларини расмийлаштириш ишлари яқунланади.

Давлат кадастрларини юритувчи ваколатли органлар 2022 йил охирига қадар ўзларининг маълумотлар базалари ахборот тизимига тўлиқ интеграция қилиниши таъминланади. Очиқ маълумотлар оммавий геопортал орқали давлат бошқаруви органларига бепул, жисмоний шахслар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа

юримдик шахсларга тўлов эвазига тақдим этилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги ер участкаси кадастр рақами, унинг манзили ва ундан фойдаланиш мақсади тўғрисидаги маълумотларни фойдаланувчилар томонидан бепул олиш имконияти яратилади.

ҲОЛАТ

Ёнимдан ўтиб кетаётган бир йигитни хиёбонда юрган ёлгончилардан бири «ака бир минут «армреслинг»га тушиб кўрмайсизми? Пулингиз керак эмас, шунчаки мени юта олармикансиз» дея қаршиликларига қарамай, ўйинга туширишди. Бироздан сўнг ҳалиги бола фирибгар рақибига ўйинда ютқазиб, унинг тузоғига илдинди.

Авваллари дам олиш учун қишлоғимиздан бир неча километр узоқликда оқиб ўтадиган каналнинг ёқасига экилган дарахтларнинг соя салқинида ўзимизча бир ёки икки соат ўтириб қайтардик. Чунки кўп вақтимиз йўл юриш билан ўтиб кетарди. Аммо бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, барча жойларида истироҳат боғлари аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун хизмат кўрсатмоқда. Хоҳлаган вақтингиз истаган дам олиш масканига бориб ҳордиқ чиқаришингиз мумкин. Бироқ...



Кўча ўйинлари фирибгарликми? ЁХУД ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИДАГИ «АНГИШВОҶА»ЧИЛАР

НАВРЎЗ ПАРКИДА ТАЛАБАЛАРНИ ШИЛИШЯПТИМИ?

Курсдошларимиз билан университетимиз яқинида жойлашган «Наврўз» этнопаркига маданий ҳордиқ чиқариш учун бордик. Парк ҳудудига кирар эканмиз, чироқлари ранг-баранг бўлиб ўчиб ёнаётган улкан чархпалак эътиборимизни тортди. Бир дам унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, парк ичкараси томон юра бошладик, анчайин хушмуомала бир йигит ёнимизга келиб, «ака ҳурмат юзасидан бир минутга мумкинми?» дея қўлини кўксига қўйиб йўлимизни тўсди. Қаршиликларимизга қарамай, «акалар ҳурмат юзасидан қўлингизни олиб қўяйлик. Мана шу «тир»да отиб кўринглар. Ҳақиқий қуролдан отгандек бўласизлар. Биринчи отишингизни текин қилиб бераман. Қолганларига 25 минг сўмдан тўлайсизлар. Ҳали ҳеч кимга бунақа имконият қилиб бермаганман»

деб ҳеч қўймади.

Ҳарбий хизмат даврларимизни бир эслайлик, дея шеригим пистолетда, мен эса милтиқдан ўқ отишга киришиб кетдик. Уч маротаба ўқ уздик. Уччаласида ҳам менинг қўлим баланд келди. Ҳалиги болани чақириб, қанча бўлганини сўраган эдик ҳамки, кўзларини товага тушган тухумдек қилиб, «сизлардан 200 минг» деса бўладими. Иккимиз ҳам унинг бу гапидан ҳайрон бўлиб, нега бунча бўлиб кетганини сўрадик. Унинг айтишича, пистолетдан отиш 25 минг, милтиқдан отиш эса қимматроқ эмиш. Нега бошида шуни айтмадингиз, деб тортишиб ҳам кетдик. Бисотимиздаги бор чиройли сўзлар билан сийлагимиз келдию, индамадик. Пулни шартта санадикда, унга узатдик.

ХИЁБОН «ЙЎЛТЎСАР»ЛАР МАСКАНИ БЎЛИБ ҚОЛЯПТИМИ?

У ердан чиқиб Амир Темур хиёбонига келдик.

Бу ерни ҳам кўнгилдагидек айлана олмадик. Ҳар қадамда «Ака ҳурмат юзасидан» дея сўлаҳмондек йигитлар олдимизга югуриб чиқаверишди. Келганимга афсусланиб тургандим, ёнимдан ўтиб кетаётган бир йигитни хиёбонда юрган ёлгончилардан бири «ака бир минут «армреслинг»га тушиб кўрмайсизми? Пулингиз керак эмас, шунчаки мени юта олармикансиз» дея қаршиликларига қарамай, ўйинга туширишди. Бироздан сўнг ҳалиги бола фирибгар рақибига ўйинда ютқазиб, унинг тузоғига илдинди.

Энди кетаман деяётган пайт «пулингиз керакмас шунчаки ўйин» деган «ёлгончи» бу йигитдан ютқазиб қўйгани учун пул талаб қила бошлади. «Ютқаздингми? Энди пулни тўлайсан», деб туриб олди. Тавба, гавдасидан ҳўкиз ҳурқадиган бу йигитларнинг қилаётган ишлари очқичасига ҳалқни шилиш эмасми? Шунинг ўрнига ҳалол меҳнат қилиб, ризқингни тер, дейдиган

одамнинг ўзи йўқ.

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИ ҚАЕРГА ҚАРАЯПТИ?

Ўтган-қайтган кўнгли бўшларни «ўйин ўйнамайман» дейишига қарамай, ўйинга жалб қилиб, яна улардан оғзига сиққан нархни талаб қилишга ким рухсат берган уларга? Энг ачинарлиси, шу каби хиралик ва фириб юртимизга сайёҳ бўлиб келганларга ҳам қилинаётганидир. «Ўйинчилар» қўлига тушган содда турист ўз ватанига борганида нималар дейиши мумкинлиги одамни ўйлантиради. Шу боис бу «ўйинчилар»нинг маданияти билан шуғулланиш Туризм агентлигининг ҳам вазифаси, деб ҳисоблаймиз.

Очиғи, сал нарироқда ички ишлар ходимлари бепарволарча ёлгончиларнинг фирибгарлигига жимгина қараб тургани кишини янада ажаблантиради. Баъзи-баъзида хиёбонда фирибгарлик билан

шуғулланаётганларни ички ишлар ходимлари ушлаб олиб ҳам кетишади. Аммо кўпи билан бир-икки соатдан сўнг келиб, яна ўзларининг ишлари билан шуғулланади. Қизиғи, ички ишлар ходимлари уларни жазолаш учун олиб кетиб нега қўйиб юборади? Ёки уларнинг қилаётган ишлари ҳалқни кўзига «мана биз ишляпмиз» деб кўринишми?

Биз-ку бор-йўғи бир кунда ўзимиз билан содир бўлган воқеаларни ёздик. Парклардаги, хиёбону истироҳат боғларидаги мана шунақа «ўйин»лар, шунақа фирибгарликлар қачонгача давом этади? Кимдир буларнинг қилаётган ишларини қачондир назоратга олармикан? Уйлаймизки, тегишли ташкилотлар мамлакатимиз ва ҳалқимиз ҳақида салбий фикрларни ўйғотиши мумкин бўлган юқоридаги ҳодисани тартибга олиш бўйича жиддий шуғулланиб кўрадилар.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ҳоким ёрдамчилари астойдил кўмаклашяпти



Қарши шаҳридаги маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган ҳоким ёрдамчилари аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида бир қатор ишларни амалга оширишяпти.



«Қарлуқбоғот» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Илҳом Норқулов ҳудудда яшовчи Ёрқин Йўлдошевга имтиёзли кредит асосида асбоб-ускуналар олишга кўмаклашди. «Нефтчи» маҳалласида яшовчи Гўзал Галимова ва Гулноза Раҳимовага тикувчилик йўналишида ўз фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредит олишларида ҳоким ёрдамчиси Улуғбек Жалилов камарбаста бўлди.

— Тикувчиликка болалиқдан қизиқаман, уйда ўзим бичиш-тикиш ишларини амалга ошираман, — дейди

Гулноза Раҳимова. — Фаолиятимни кенгайтириш ниятим бор эди. Ҳоким ёрдамчисига мақсадимни айтдим, қисқа фурсатда ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтдим ва белгиланган имтиёзлардан фойдаландим. Менга ҳавас қилиб, ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган маҳалладошларим сафи кенгайиб борапти.

Шунингдек, Амир Темур номли маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Жамшид Аҳмедов Баҳора Каромовага миллий ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга

қўйишда, «Геолог» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Элёрбек Темиров шу ҳудудда яшовчи Шаҳзода Адиловага тикувчилик йўналишида ўз фаолиятини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратилиб, бандлигини таъминлашда кўмаклашди.

Бу каби мисолларни барча ҳоким ёрдамчилари фаолиятдан келтириш мумкин. Энг муҳими, улар одамларга кўмакчи бўлиб, фуқароларнинг ишончини қозонишда сидқидилдан хизмат қилишяпти.

Муродилла ПЎЛАТОВ.

МОНОЛОГ

2022 йилнинг олти ойи давомида 3 559 та ИТХ содир бўлган, уларда 2 775 киши жароҳат олиб, 784 киши ҳалок бўлган. Ҳодисаларнинг энг юқори кўрсаткичи эса Тошкент шаҳри (479 та)га тўғри келади. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида фақат ўлим билан боғлиқ 991 та ИТХлар содир этилган.

Қиш тобора яқинлашяпти. Бутун республикамиз бўйлаб биринчи ёгингарчилик, совуқ кунлар бошланган. Иссиқроқ кийиняпмиз. Электр, қишлоқда хавфли кўлбола печлар ёқилди. Туман марказларидаги бозорларда ромга қоқиш учун полиэтилен буюмлар, майда мих, печкага «карнай» — тунука қувурлар, чиганоқлар харидоргир бўлиб қолган. Кўмир, ўтин нархи билан қизиқётганлар ҳам талайгина. Ишхона ва хонадонлардаги кондиционер қишги режимга ўтказилди. Вилоят марказларидаги квартира соҳиблари ошхона печи устига гишт териб ёқиб кўйишдек беъмани ва зарарли одатини бошлаб улгурди. Хуллас, ҳали тўла кириб келмаган бўлса-да, юртимизда қиш манзараси, қиш руҳи учиб юрибди. Биламизки, қиш, бу — имтиҳон вақти! Маҳаллий ҳокимликлар, мутасаддилар, турли Давлат дастурларининг олиб борилиши юзасидан халқ олдида имтиҳон топширишадиган давр... Хўш, йил мобайнида ким, қайси ҳудуд раҳбарияти яхши ишлади? Ким дастурларни бажарилишини ортга суриб келган?



Лой кўчалар, узилган газ қувурлари ва шаҳардаги тирбандлик хусусида

«ҚИШДА ҚАЛДИРҒОЧЛАР САЙРАЙ БОШЛАДИ»

Биринчи совуқ ва ёгингарчилик бошланиши билан дастлабки — «қалдирғоч» шикоятлар ҳам нишона кўрсатмоқда. Масалан, Жиззахнинг Бахмал туманидаги «Нурафшон» маҳалласи аҳолиси газ қувурларининг кесилганидан ёзғириб чиққан. Уларнинг айтишича, қишлоққа келган газ қувурлари бошқа бир ҳудудда қурилатган санат зонасида газ тортиш учун кесиб олиб кетилган экан. Жараёни кўриб қолган фуқаролар «кесгичлар»ни қувиб юборишган. Аҳоли илгариги даврда мол-ҳолини пуллаб, қувурларни ўзлари сотиб олганини, қувурлар жойида турса, қачондир маҳаллага газ келишини умидлари ҳали сўнмаганини айтяпти.

Бу ўринда аҳоли ва газ таъминоти идоралари ўртасида «қувурталаш» масалалар тез-тез чиқиб туришини айтиб ўтиш керак. Зеро, 1990-2000 йилларнинг бошида ростдан ҳам кўплаб ҳудудлар аҳолиси қувурларни ўзлари сотиб олган. Кейин тармоқ газ таъминот корхоналари балансига ўтиб кетганди. Масала фақатгина қувурларда яна газ юра бошласа ёки маҳаллалар ихтиёрига топширилсагина

ҳал этилишини кўп бор кўрганмиз. Афсуски, энергетика масаласидаги юқоридаги каби чиқишлар ҳали қиши бўйи кўп давом этишини яхши тушунамиз. Аммо, умид қиламизки, вақт ўтиши билан муаммолар тўла ҳал этилган, мурожаатлар сони ҳам камайд.

«ДЕР ҚУРБАҚА, ДЕР БОТҚОҚ, ДЕР ШОЛОП-ШОЛОП...»

Қизиқчи юқоридаги латифани қишлоқ кўчалари ҳақида айтгандек туюлаверади. Зеро, кўплаб ҳудудлардаги кўчалар ростдан ҳам «дер ботқоқ» бўлиб ётибди. Буни исботлашнинг кераги йўқ. Ўзбекистоннинг ярим аҳолиси шундоқ ҳам билади. Битта ёмғир кифоя. Шу каби мурожаатлар кечаги ёмғирдан сўнг болалаган. Масалан, қаердалигини айтмаган муаллиф кўчалари ботқоққа айлангани, машиналар ботиб қолгани ҳақида видео мурожаат йўллади. Унинг айтишича, аҳоли 20 йил мобайнида асфальт кўрмаган йўлга шағал тўкиб, тошлоқ қилган. Шу йўл билан ҳар ҳолда чанг ва лойдан бироз қутилишган. Аммо ёз ойларида кўчага водопровод қувурларини тушириш учун келганлар катта машиналари билан йўлни яна ботқоққа айлантириб кетишди. Энди қиши билан ҳудудга

машина кира олмаслиги мумкин. Зеро, кирган машина ботиб қолди. Одамлар юкларини катта йўл бўйидан ботқоққа беланиб, енгил араваларда ташияпти.

Шаҳрихон туманидаги «Доруломон» маҳалласи «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига киритилган. Аммо негадир қишлоқдаги ишлар ҳамон яқунланмаяпти. Ободонлаштириш ишлари тақа-тақ тўхтаган. Болалар мактабга қатнайдиغان йўл кечаги сийпалаб ўтган ёмғирдан том маънодаги ботқоққа айланди. Бу жойда ҳам «водопроводчи»лар айбдор. Симёгочлар йиқилишга тайёр турибди. Бу маҳалла фаоллари ҳам жамоатчиликка мурожаат қилиб чиққан.

Афсуски, бу каби кўчалар, муаммолар ҳали жуда кўп. Ўтган ҳафтада Бош прокуратуранинг ахбороти эълон қилинган эди. Унда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлар ижроси доирасидаги ноқонуний ишлар, жиноий ва маъмурий жавобгарликлар тўғрисида айтилган. 4000 нафарга яқин масъул шахс жавобгарликка тортилгани бор гап.

ТИРБАНДЛИК ВАЗИРЛИГИНИ ТУЗИШ КЕРАКМИ?

Ўтаётган ҳафтада шов-шув бўлган масалалардан

яна бири — шаҳарлардаги тирбандлик, пойтахт аҳолиси сўнгги вақтларда ҳавонинг ифлослини ва автотранспорт ҳодисалари туфайли катта йўқотишларга учраётгани бўлди. Статистикага кўра, 2021 йилда жами 10 001 та йўл транспорт-ҳодисаси содир бўлган ва автоҳалокатларда 2,5 мингга яқин фуқаро бевақт ҳалок бўлган. Мазкур ҳалокатларнинг 20 фоизи йўл инфратузилмасидаги камчиликлар, 14 фоизи эса пиёдалар учун хавфсиз шароитлар яратилмагани туфайли юзага келган.

2022 йилнинг олти ойи давомида 3 559 та ИТХ содир бўлган, уларда 2 775 киши жароҳат олиб, 784 киши ҳалок бўлган. Ҳодисаларнинг энг юқори кўрсаткичи эса Тошкент шаҳри (479 та)га тўғри келади. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида фақат ўлим билан боғлиқ 991 та ИТХлар содир этилган. Бу борада йўллардаги тирбандликлар етарлича ўрин эгаллаётгани айтиляпти.

Балки мазкур ҳолатларни енгиллаштириш, келгусида янада оғир вазиятлар юзага келишини олдини олиш мақсадида бу борадаги хориж тажрибаларини амалга ошириш вақти келгандир? Фаоллар бунинг учун алоҳида ўрганиш вазирлиги тузиш шарт эмас, дея киноя қилишади.

Таклиф сифатида катта шаҳарларда жуфт ва тоқ рақамли автомобиллар амалиёти қўллаш кераклигини айтишади. Бунда давлат рақамининг охири тоқ сон билан тугаган машиналар ҳафтанинг тоқ кунларида, жуфт сон билан тугаганлари эса ҳафтанинг жуфт кунларида ҳаракатланиши мумкинлиги қонун билан белгилаб қўйилади. Дарҳақиқат, бу Франция пойтахтида, Хитойнинг Ченду шаҳарчасида қўлланилган ва самара берган. Миланда эса онгли равишда автомобилни уйда қолдириб, жамоат транспортида юрганлар учун бепул ваучерлар тарқатилади. Хельсинкида автомобиль ҳаракатини шаҳар атрофида кўчириш амалиёти қўллаб келинади. Марказда фақатгина жамоатчилик транспорти қолдирилган, холос. Умуман, миллионер шаҳарларнинг масала юзасидан ўтказган тажрибалари кўп. Улардан фойдаланиш керак, холос.

Биз эса яқинлашиб келаётган қишда юқоридаги каби мурожаатларга имкон қадар камроқ дуч келишимизни истаб қоламиз. Масъуллар аҳолини қийнаётган масалалар тезкорлик билан ҳал қилишларидан умидвормиз.

У.ИБОДИНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy) МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Улчами — А3, 4 босма табоқ.
7 900 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1018
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

ISSN 2010-7033

4720130703000

720130703000

720130703000